

АНБАР ОТИН



ШЕЪРЛАР РИСОЛА

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДБИёт ВА САЊАТ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ — 1970

Тўпловчи ва сўзбоши муаллифи
ФОТИМА ҲУСАИНОВА

ШОИРА АНБАР ОТИН

Анбар отин XIX асрнинг II ярми XX асрнинг бошларида Қўқонда яшаб, ижод этган демократ шоирадир.

У замондош устоз адиблар изидан бориб, ўз ижодидида халқ аҳволини, дугоналарининг ҳис ва туйғуларини ифодалаган. «Ичкари» тутқуни бўлган, устига қаттиқ жисмоний азобларга дучор бўлиб, кўп йиллар бир жойда ётган бу матонатли аёл ҳаёт билан алоқа излаган, давр ҳаёти билан ҳамнафас бўлишга интилган. Нафис шеърини орқали жамият ҳаёти воқеаларига ўзининг илғор қарашларини ифодалаган.

Анбар отин ворисларининг берган маълумотларича у, 1870 йилда Қўқонда Бузрукхўжа (ҳозирги «Янги ҳаёт») маҳалласида туғилган. Отаси Фармонқул машҳур шоира Увайсийнинг жиянидир. Онаси Ашурбиби эса, Абдулгани исмли бир камбағал қосибнинг қизи бўлган. Фармонқул 1865—1866 йилларда тирикчилик ташвиши билан она шаҳри Марғилондан Қўқонга келади ва «Белбоқчи» маҳаллалик Қудратилло исмли бўзчига шогирд тушади. Кейинчалик у Ашурбибига уйланади. Уларнинг бош фарзанди Анбаройдир. Эр-хотиннинг тинмай эрта-кеч меҳнат қилишларига қарамай бу оила жуда қашшоқликда яшар эди. Кейинчалик шоира бу ҳолни шундай таърифлайди:

Отам Фармонқулийи Марғилоний,
Онам Ашурбибийи Қўқоний.
Алар белбоқчи, бўзчи эрди қасби,
Ҳамиша маккайидин эрди но...
Ки, «бўзчи ёлчимас белбоқча» доним.
Яна жуфт бўлмас эрди бир чопони.

Анбарой етти ёшга тўлганда уни ўз маҳаллаларидаги Дилшод отиннинг мактабига ўқишга берадилар. Уч йилга яқин қизча шу мактабда ўқиди.

Бўлажак шоиранинг муаллимаси Дилшод отин ўз даврининг наман, таъби назман аёлларидан бўлган. Барно такаллуф билан шеърлар ёзган. Дилшод отиннинг шеърлар тўламини ва ўз саргузаштларини босиб қилган «Тарихи муҳожирон» асари бизгача етиб келган.

Дилшод отин ўзи қайд қилишича маҳалласида эллик бир йил мактабдорлик қилган. У ўз шогирдларини буюк сўз санъаткорлари Ҳофиз, Навоий, Бедил асарлари билан таништирган. Уларда адабиётга, санъатга меҳр уйғотган. Дилшод отиннинг «Тарихи муҳожирон» асарида қайд қилишича, унинг тарбиясидан Анбар отин, Тўтиқиз, Баҳри отин каби талантли шоиралар етишиб чиққан.

Дилшод отин шогирдлари орасида Анбар отинга алоҳида муҳаббат ва умид билан қараган. Унга бағишлаб ёзган шеърларида ва юқорида қайд қилинган асарида Анбаройнинг ўткир эҳсан, қобилиятли эканини, келгусида ундан забардаст шоира етишиб чиқини мумкинлигини олдиндан қайд қилади:

«Анбарой бугдой ранг, сулбул сочли, оху кўз, ой юзли, ахлоқи ҳамиди ва одоби писандида соҳибидир. Бу саккиз яшар қизча ёшлигига қарамай, ҳазрати Навоий назмиётларини ўрганишга беҳад қизиқади. Бу ожиза саккиздан ўн тўрт ёшгача адаб таълимига машғул бўлди. Умидим борки, бу қизча катта шоира бўлгуси» («Тарихи муҳожирон», 52-бет)¹.

Замонаси фожиалари туфайли ота-онасининг ажралиб кетиши натижасида Анбарой мактабдан кетишга мажбур бўлади. Узи мустақил мутолаа қила бошлайди. Дилшод отин унинг машқи назмидан хабардор бўлиб туради.

Ун тўрт ёшларида Анбаройни ўратепалик Зоҳидхўжа исмли камбағал нонвой йигитга узатишади. Зоҳидхўжа ҳам шеърят мухлисларидан эди. У классик шоирларимизнинг газалларини дўстлар даврасида хуш овоз билан ўқиб юрар эди. Зоҳидхўжа ўз даври-

нинг таниқли шоирларидан бўлган Наирий, Рожий, Мирзо Ҳуқандийлар билан яқин ошно бўлган. Шоиранинг набираси Юсуф Акбаровнинг айтишича, Зоҳидхўжа Муқимий, Фурқат, Завқийлар билан ҳам алоқада бўлган.

Анбарой ўткир ақли, таланти билан маҳалла аёллари ўртасида ҳурмат қозонган. Халқ ҳурмат қилиб шоирани Анбар отин, Отинча деб атаганлар. Шоира ҳам халқ қўйган бу номлардан мамнун бўлиб, шеърларига Анбар отин деб имзо қўя бошлаган.

Шоира газаллари маҳалла аёлларига жуда мақбул эди, чунки уларда шу муштипар аёлларнинг аянчи тақдир, орау-истакалари, бахтсиз шевилари куйланар эди. Бу газаллар уларнинг дилидаги яширин туйғуларининг ифодаси эди.

Бу камбағал аёллар ҳаётидан шеър ёзиб, уларга ҳамдард бўлувчи доно аёл, албатта бой хотинларга ёқмас эди. Анбар отин ҳам бу бефаҳм, бекорчилик ва гийбатни касб қилиб олган бой хотинларни писанд қилмаган, баъзида уларнинг юриш-туришларини ҳажв қилиб шеърлар ёзган. Шоиранинг бундай шеърлари рақибаларининг янада газабини қўзғатади. Улар шоирадан ўч олиш пайига тушадилар. Қуналардан бирида уни атайин Омил мингбошининг уйида бўлган зиёфатга чақиртириб келтириб, калтаклайдилар, баланд зинадан итариб юборадилар. Шоиранинг икки оёғи синиб, кейинчалик шол бўлиб қолади.

Анбар отинни узоқ вақт табибларга кўрсатишгану, аммо бу фойда бермаган. Шоиранинг илтимосига кўра рус докторини чақиртиришган. Унинг муолижаси натижасида шоира бир мунча вақт қўлтиқтаёқ билан юра оладиган бўлиб қолган. Докторнинг зўр ҳаракатларига қарамай муолижа унчалик фойда бермайди. Чунки вақт ўтган эди.

Ўз даврининг тараққийпарвар илғор кишиларидан бўлган рус доктори шоиранинг оғир аҳволини кўриб қаттиқ ачинади. Қўлидан келганича унинг аҳволини энгиллаштиришга, руҳини кўтаришга ҳаракат қилади. Анбар отин олдига тез-тез келиб, ижтимоий ҳаётда бўлаётган янгиликлар ҳақида, рус халқи, унинг турмуши, адабиёти ва санъати ҳақида сўзлаб берган. Адибани ташқи муҳит билан таништиришда рус дўгоналари — Екатерина, Клава, Анусялар ҳам ёрдам берилган, ҳаётининг сўнги кунларигача у билан дўст бўлишган. Рус дўгоналаридан кўп нарсани ўрганганини Анбар отиннинг ўзи ҳам катор шеърларида чуқур миннатдорчилик билан тилга олади.

Анбар отин олти йилдан ортиқроқ қаттиқ жисмоний азоб чекиб ётади, аммо тушқуналикка тушмайди, жисмоний азоб унинг руҳини, ҳаётга бўлган ишонч ва муҳаббатини сўндира олмайди.

¹ «Қаранг: А. Мухторов, А. Абдуллазода, Ю. Ҳузурий. «Дастнависи Дилшоди асира», Тожикистони Совети, 1966 й., 4 сентябрь, № 205.

Шоира ижоди дастлаб бир ҳавас, қизиқиш бўлса, дардмандлик йилларида эса ижод унинг ягона кураш қуроли, ҳаёт билан алоқа воситасига айланади:

Ҳеч қайғуни гапурма, бағримни эди қайғу,
Агар инонмасанг кўр, юзим сарғайди кўзгу.

Майли бағрим эзилса, тилим бутун-ку ҳоло,
Дилимдаги хазиқа тилим учиди туйғу.

Дарё мисоли бўлса киши дили асида,
Сўзларида жило берур диладаги ҳар инжу.

Шоира ўзининг оғир дард аламига қарамай ўзига эмас, кўпроқ эл ва юрт ҳолига қайғуради ва бу туйғуларини кучи етганча ижодида ифодалайди.

Даврнинг кўп жафоларини тортган шоира анча ёш вафот этган ва Қўқондаги Хўжандбоши қабристонига дафн қилинган. Адибаниннинг вафот йили, афсуски, ҳали тўла аниқланмаган.

Анбар отин умрининг охирларида тузган автограф девони бизгача етиб келган. Унинг кириш қисмида автобиографик маълумот берилган. Девонда қирқ бир ғазал, тўрт мухаммас, бир қитъа, бир мустаҳзод ва девон охирида шеърӣ таржимаи ҳол ҳам бор. Девоннинг умумий ҳажми 685 мисра. Шоира девонга кўпроқ соғингини йўқотгандан кейинги ёзган асарларини тўплаган. Буни шеърларининг мазмуни, шунингдек, шоираниннг девон сўз бошисида берган маълумоти ҳам тасдиқлайди. Шоираниннг ижтимоӣ-сиёсий мазмундаги «Қаролар фалсафаси» номи рисоласи ҳам топилди. Асар оддий қўқон қоғозига ёзилган, автограф, ҳажми 43 бет. Рисолада шоира мушоҳидаларининг бадий хулосаси сифатида тўққизта шеър берилган.

1966 йили ўратепалик шеърят муҳлиси Ғофур Ҳасанов воситасида Ленинободдан шоираниннг яна бир кичик шеърӣ тўпламчаси топилди. Шеърлар «хуруфи хижо» услубида ёзилган, яъни ҳар бир араб алифбосидаги ҳарфга бир шеър бағишланган. Анбар отиннинг ўзи уни «Якка байтлар» деб атайдӣ. Шунингдек, кейинги йилларда шоира меросидан бир қатор шеърлар ҳам топилди.

Ҳозирчалик бизга шоираниннг 90 га яқин шеъри ва «Қаролар фалсафаси» рисоласи маълум. Ишончимиз комилки, бу адибаниннг ижодий меросидан бир қисм холос.

Анбар отин Дилшод отин устозлигида ижодга қадам қўяр экан, аввало Ҳофиз, Навоӣ, Ғозулий каби шарқ адабиётининг улуғ сиймолари ижодини кунт билан ўрганди. Шоира асарларини синчиклаб ўқиб кўрар эканмиз, унинг айниқса Адишер Навоӣ ва момоси Увайсий ижодига зўр эътиқод билан қараганини кўрамаз. У Навоӣниннг инсон ва ҳаётга муҳаббат билан тўлиқ шеърятдан маънавий озуқа олган. Бу ҳақда шоираниннг ўзи шеърларидан бирида шундай ёзади:

Агар устоди адабни истасанг, Анбар отин,
Сан Навоӣ таълимини доим мутолаа қил.

Анбар отин устозларидан ҳаётни ҳаққонӣ тасвирлашни, юксак инсонпарварликни ўрганди:

Раҳмат сиза, эй раҳнамо, олдим адаб таълимини,
Кўз кўрганин тасвирламоқ, билдим ажаб таълимини.

Анбар отин илк шеърларида улуғ инсоний муҳаббатни куйлади. Унинг бу шеърлари бадий жиҳатдан баркамол бўлмаса ҳам, қайноқ ёш юракдан чиққан самимий туйғулар ифодасидир. Шоира инсонни севгида бахтиёр, ҳаётда озод, ҳур кўришни истайди. Унинг бу юксак туйғулари билан ҳақиқий ҳаёт ўртасида жуда катта фарқ бор эди. Унинг жўшқин туйғулари замон қаршилигига учраши биланоқ шеърларида зорланиш, замондан шикоят оҳанглари кўрина бошлади.

Шоираниннг ҳаётӣ тажрибаси ўсган сари ижодида ана шу шикоят мотиви чуқурлашиб борди, замонасидаги ижтимоӣ воқеалар билан ҳамнафас бўлди. Давр руҳи ва рус дўстларининг таъсирида шоира қарашлари такомиллашиб борди. Устозлари Муқимий, Ғурақатлардан халқчилликни ўрганди ва улар билан бир қаторда халқ учун қайғурди, унинг орзу-умидларини ифодалади. Шоира ўзи яшаган даврдаги тарихий шароит ва ижтимоӣ ҳаётдан доктори, рус дугоналари воситасида хабардор бўлди ва биринчи навбатда шу воқеаларни қофияга солди.

Дастлабки шеърларида унинг лирик қаҳрамони ўз бахтсизлигини бевафо ёрнинг илтифотсизлигига боғлаган бўлса, энди у ўз бахтсизлигининг туб сабабларини давр, социал муҳит билан боғлай бошлади.

Анбар отин устоз демократ шоирлар нзидан бориб, бадий ижод ва унинг жамият ҳаётидаги ролига катта масъулият билан

қаради. У адабиётни ҳукмрон синфларнинг маддоҳига айлантирган феодал — клерикал адабиёт вакиллари қаттиқ танқид қилади. Айниқса шоира бу адабиётнинг йирик вакиллари Муҳий, Ҳазиний, Камийлар ижоди ҳақида танқидий фикрлар айтади.

Анбар отин бутун ижоди давомида ҳақиқат учун курашди, халқ бахт-саодатини ўйлади. Шунинг учун ҳам ижтимоий ҳаётда рўй бераётган воқеаларга халқ манфаати нуқтаи назаридан ёндашди. Буни шоиранинг ўз даврининг бош ва маълум даражада ҳал қилувчи муҳим масаласи бўлган Урта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишига бўлган муносабатиде аниқ кўришимиз мумкин.

Анбар отин замондошлари демократ шоирлар каби халқимизнинг рус халқи билан ўзаро дўстона алоқада бўлишини, улар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва биродарлик бўлишини орзу қилди. Бу дўстлик ўзбек халқи учун жуда зарур эканлигини яхши англади. Шоира гарчи ривожланиб келаётган революцион ҳаракатлардан беҳабар бўлса ҳам, ўзбек халқига озодлик учун курашда руслар «раҳнамо» бўлишига ишонади:

Кўшулиб мулки Фарғона ўрусга бу саро бўлди,
Ўрус ўзбек элига туғушгандек ого бўлди.

Ўруслар ишда пишгон важҳидин хушёрдир анча,
Раният фойдасига сўзламоққа раҳнамо бўлди.

Анбар отин устоз шоирлар изидан бориб, уларнинг эркесварлик анъанасини давом эттирди ва ривожлантирди. Ўзбек аёлларининг тўрт девор ичкарасида кечираётган қайғу ва ғамга тўла ҳаётини қоралади. Уларнинг озодликка, эрка интилишини жўшқин сатрларда тараннум этди.

Шоиранинг лирик қаҳрамони соғлом заковатли, оташин қалб эгаси, замондан зулм кўрган, таҳқирланган, аммо мағрур ўзбек аёлидир. Бу ўзбек аёлининг илм-маърифат олиш у ёқда турсин, ёруғ дунёни кўришга ҳам ҳаққи йўқ эди. Бу аёллар тақдирдан беҳад таъсирланган шоира ўзбек аёлларини гафлат уйқусидан уйғонишга, ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашга даъват қилади:

Мандек ётма, уйғонгил, эй занони Фарғона,
Эрлардек бел боғла эмди бўлиб мардона.

Гарчи шоира синфий кураш ва унинг моҳиятини тўла тушуниб етмасе-да, жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни ўз кўзи билан кўриб шеърларида ифодалади. Шоира ўзининг тақдири билан халқининг, Ватанининг тақдирини бирдай тасвирлайди. Ҳукмронлар томонидан қашшоқликка маҳқум этилган, жаҳолатда қолган халқининг тақдири уни беҳад қайғуртиради:

Бисмил ўлгон мурғни кўрсам, юрагимни ўйлайин,
Чугъию вайрона кўрсам, манзилимни ўйлайин.

Шоира бутун кўрган-кечирганлари асосида мавжуд тузум ҳақида шундай хулосага келади:

Эй, Анбар отинча, фарёд этма кўб,
Бу замонда эолимлардур иш боши.

Мавжуд тартибларни танқид қилган, қоралаган шоира келажакдан умидвор бўлади. Эртанинг порлоқ бўлишига ишониб, келажакка умид нигоҳи билан қарайди. Халқи ва Ватанининг келажagini шоира шундай тасаввур қилади:

Келиб хушнуд авлодим, мени мулким қилур обод,
Бу вайрона диёримда шаҳарлар айлағай бунёд.

Дабистони улумни сар-басар очиб ҳар эл ичра,
Кенгайтиб таҳсилини, навжувонлар айлағайлар ёд.

Анбар отининг мавжуд социал ҳаёт ва келажак замонлар ҳақидаги мулоҳазалари, орзу-умидлари кенгроқ равишда унинг «Қаролар фалсафаси» асарида ўз ифодасини топган. Асар кичик кириш қисми ва тўрт фаслдан иборат. Кириш қисмида шоира асли мақсадини очиб, «қароларнинг» яъни меҳнаткаш халқнинг ажойиб орзулари жуда кўп, бу туйғуларни бевосита кўриб бўлмайди, шунинг учун тафаккур йўли билан баён қилмоқчиман»,— деб ёзади.

Биринчи фаслда шоира қаро нарсалар, қаро бахт, қаро ният, қаро тусли халқлар ҳақида фикр юритади. «Қаро бахт» меҳнаткаш халқнинг тақдиридир. Булар дунёни барча айшу ишрат ва маишати-ни унутган, бедор ва ваҳшат айёмида оғир заҳмат ва меҳнатга гирифтордурлар.

Қаро ниятлилар — ҳукмронлардур. Шоира қаро танли кишилар ҳақида тўхтаб, замонасидаги ирқий камситишни қоралайди. Инсонлар бадан рангидан, миллатидан қатъий назар инсоний хусусиятлари жиҳатидан тенгдирлар, деган фикрни олға сурди.

Шоира иккинчи фаслни оналар ҳаёти ва тақдирига бағишлайди. Ҳаёт ва жамиятнинг асоси бўлган инсонни она вояга етказиб беради. Шунинг учун ҳам онани ҳаёт манбаи деб атайдилар. Шоира ҳам оналарнинг бу юксак, олижаноб хизматини қуйидагича таърифлайди: «Бу фарқ эгасини ман инсон онаси, ҳарнечук донишманд онагаси деб билурман, ул она шундоғ онадур, моҳири донодурки, Афлотун ва Арастуни, Абу Али Сино ва Улуғбекни, Жомийни, Саъдийни, Навоийни, Фирдавсийни, Бедил ва Ҳайёмни, Нодири ва Увайсийни... мени ва сени ўз қорнида ўн ой кўтариб, турли офатлардин сақлаб, еган гизосидин расамат бериб, ... туғиб, оламни кўриш қобилиятига даври моҳир қилубдир» («Қаролар фалсафаси», 8-бет.). Шундоғ улуғ зот бўлган оналарнинг ўз замонасидаги аҳволига тўхтаб, «уларга бўлгон эътибор чумолига бўлгон эътибордин ҳам камроқдур»,— деб ёзади.

Шоира аёлларга бўлган бу зулм, таққир абадий бўлмаслигига кўзи етади. Ишонч билан уларнинг келажакдаги ҳаётлари ҳақида шундай ёзади: «Ул замонларда аёллар илм таҳсилига муяссар бўладилар. Эл ва давлат ишларида қатнашиб, эркаклар билан бир қаторда обрў ва ҳурматга сазовор бўладилар».

Шоира рисолаининг учинчи фаслида бахти қаролик ҳақида ўз фикрларини баён қилади. Ҳақиқий бахти қаро, шоиранинг фикрича, беш кунлик умрини айш-ишратда ўтказиш учун минг ҳийла-найранглар билан бировларнинг меҳнатидан фойдаланиб, бойлик орттирган, халқ нафратига учраган кишилардур. Ҳақиқий бахти қаролар адабий муҳитда ҳам учрайди. Шоира адабиёт ва шоирлар ҳақидаги қарашларини баён қилади ва диний адабиёт вакилларини бахти қаролар деб атайди.

Ҳукмронлар ва дин аҳли меҳнатқаш халқни бахти қаролар, деб атайдилар, улар бебахт, холос. Шу бахтсизликдан чиқиш йўлини ахтариш керак, бу йўлни руслардан ўрганиш керак, деган фикрни дадил аятади:

«Шу замонда одам ўзини бахти қаро, деб нолон бўлса мумкин, ammo шу бахти қароликдин нажот топиш қобилиятини ахтариш ва нажот йўлини қидириш лозим бўлур. Бу нажот йўлини газаб ва жаҳриёт ила вуқуфга келтирмоқ душвордур. Бу йўлни фақат ўруслар тадорикла ва ичкаридаги пешволар ортидин қадам босиб, ҳаракат қилмоқ даркор».

Асарнинг тўртинчи фаслида қаро зулмат, яъни ўз замонасидаги социал ҳаёт ҳақида фикр юритади. Авторнинг фикрича, одам-

лар ўзларига ақлларини вазир қилсалар, маслаҳат билан ҳаракат қилсалар, қаро зулматни бартараф этиб, оламни равшан қилишга муяссар бўладилар.

Шоира асарнинг охирида унинг қолган қисмини «Мушоира» номаи рисоласидан ўқиш мумкинлигини айтади.

Анбар отин «Қаролар фалсафаси» асарини умрининг охирида ёзган, шунинг учун ҳам асар шоиранинг ижтимоий-сиёсий қарашларининг яқуни, хулосаси сифатида вужудга келган.

Бу даврда ижтимоий фикрда вужудга келган янги мазмун ва илғор ғоялар шу даврнинг илғор фикрли демократ шоирлари Муқиймий, Фурқат ва Аваз қарашларида ўз аксини топган. Бу демократ шоирлар изидан борган Анбар отин ижодида ҳам янги ижтимоий онг яққол акс этган.

Анбар отининг ижтимоий қарашлари қаро бахт, қаро ният ва қаро фикр ҳукмронлик қилган машъум ижтимоий тузумдан қаттиқ шикоят, жамиятдаги ҳукмрон синфлар — қаро ниятлилар ва бахти қаролар ўртасидаги, аёллар билан эркаклар ўртасидаги тенгсизликни қоралаш, чор ҳукумати ва унинг колониал сиёсатининг танқиди, халқини бахти қароликдан чиқиши учун илғор рус кишилари раҳбарлигида кураш йўлини ахтаришга даъват қилиш билан характерланади.

Шоиранинг дунёқароши халқлар дўстлиги ғояси билан суғорилган. Анбар отин барча халқларга ҳурмат билан қарайди. У ўз давридаги ирқий камситишга, миллий адоват тарқатувчиларга қарши чиқади. Улуғ классикларимизнинг гуманизм билан тўлиқ ижодлари таъсирида тарбияланган шоира инсонлар тусларининг қандай бўлишига қарамай, инсон бўлганликлари учун ҳурматга сазовордирлар, деган ғояни олға сурди.

Шоира ижтимоий ҳаётдаги муҳим масалаларга бағишланган мушоҳидаларини халқ тилида содда, чиройли муболага ва символик сўзлар орқали образли қилиб ифодалади. «Фалак сафқони», «қаро зулмат» каби оригинал образли ифодалар асарга бадиий жило беради. Айниқса, «қаро» сўзидан ва унинг бирикмаларидан символик ифодалар ясайди. Қаро бахт, қаро ният қаро фикр шоира замонасининг характери хусусиятлари сифатида, «қаро» сўзи эса, машъум замонанинг символик белгиси сифатида берилади. Шунингдек, бу сўз ижтимоий ҳаёт проблемаларини очишда ҳам ўринли ишлатилган. Жумладан, жамиятдаги икки синфни: ҳукмронларни қаро ниятлилар, халқни эса бахти қаролар каби символик образлар орқали беради.

Асар XIX асрнинг II ярми XX асрнинг бошидаги ижтимоий онг тараққиётини белгилашда, шунингдек ижтимоий ҳаёт ва адабий муҳитни ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Анбар отини ўзининг гоявий ўткир, замон билан ҳамнафас ижоди билан демократик адабиётнинг «ичкари»даги вакили бўлиб етишди. Унинг ижодида халқнинг ҳис-туйғулари, келажак бахтиёр ҳаёт ҳақидаги орзу-умидлари ўз бадиий аксини топди. Шонра ижодининг қиммати ва ҳаётийлиги ҳам ана шундадир.

ФОТИМА ХУСАННОВА

Филология фанлари кандидати,
Қўқон.

ДЕБОЧА

... Баъдсиз маълум ўлғайки, бу китобни қўлга олгувчилар муҳаббат ила қўлга олиб, ибрат чашмаси обидин баҳраманд ўлғайки, бу китоб замони пур толоннинг дастидин ва фалаки кажрафторнинг қасдидин бутун умрида фарёд солгон маънос ва музгар ва соҳиби бистар, шоираи замон ва булбули хушхонни дostonидур. Бу заифаи бечора Хўқанд балдасида Бузрукхўжа маҳалласида истиқомат қилгон бўлуб, ибтидои рўзгор кечирмоқи ниҳоят огир бўлгон.

Бечора шавҳари косиб камбағал бўлгон сабабдин рўзгорда душворлиқ илан кун кўрган. Аммо охир(г)и вақтларда бир оз борлиқ юз келтургон бўлса ҳам ул аввалги ташвиш ила заифаи замонанинг яхшилиги айрилиқча баъзи шахсларга бўлгон сабабдин заифани кўзида ёш қурмади ва қўлидин қалам тушмади. Замонани норасолиги ва халқ кўргон зулму тааддиларни ўз кўзи илан кўриб мушоҳида этиб эл ва юрт ҳолига йиғлагон ва қуввати етганича нафис тил ила муножот қилгон камина заифаи мунглиғ Анбар ой бинти Фармонқул Марғилонидурман.

Қиблагоҳим Марғилоний бўлгонда ҳам ушбу Хўқондани муқим фуқароси эканлар. Шу шаҳарда тааллуқ қилиб, хоса саллақлиқ тўқимоқ сабаб зиндагони бўлгон. Волидам Ашурбиби шу ҳунарни ўрганиб эканлар.

Мани Уратепадин яланг оёқ етим келгон Зоҳидхўжага — шоғирди нонвойға — ўн ёшимда чиқаргон экан. Қизлик айёмида биби отинда хилла саводли бўлиб қолғоним манга асқогди.

Фалаки жома кабуд дастидин юз додки бир йиғинда ҳақни айтиб балоға қолиб зинадон қулагонимда оёғим чиқиб ётиб қолдим. Ёш умрим ҳайф ва рангим ваъфарон бўлиб ётдим. Бор мавжуд кучим кетиб ўқумоқ ва ғазал абёт қилмоқ ила банд бўлди(м). Камина муштипар шундог маслаҳатни ўзимга маъқул кўрдимки, ҳар нарсаки ёзарман они китоблар оросига жой олдурғайманки, ғазал, ваъзаларим йўқолмағай ва меҳнатларим ҳайф бўлмағай ва яна бул мўътабар китоб ичига дарж айласам, дийда психволарга бир замон рўйишига фатво бериб, шод эрурлар низ алар мутолаасидин воқиф ўлиб, муштипар заифалар қобилиятларига қойил қолурлар, деб хизимни маҳзун этдим. Замонлари келиб бир ҳушёр воқиф бўлиб, камина бу муштипарни яхши дуода ёд қилурлар. Омин.



Жаҳон — оғуга келган Анбар отинман,
Ғаму қайғуга келган Анбар отинман.
Ямон соатда келдим мен жаҳонга,
Ини жодуга келган Анбар отинман.
Адаб аҳли оёқ остида хордур,
Чунин ёғуга келган Анбар отинман.

Эй дўст, жаҳолат аҳлига ошно бўла кўрма,
То келгунча бахту саодат шайдо бўла кўрма.
Ҳар кимки ўзин ўйлади, элдин хабари йўқ,
Ул аблаҳи бедин ила савдо қила кўрма.
Илмеки адаб, ишқу муҳаббатга йироқдур.
Билгилки сан ул илми асло била кўрма.
Ҳар ким амали эл фойдасига жори эмасдур,
Онинг юзини сан умрингда бир йўла кўрма,
Ҳар мурбача даф чолса, аё Анбари хушрўй,
То ошиқ эмас, ишқида бағринг тила кўрма.

Мендек ётма, уйғонгил, эй занони Фаргона!
Эрлардек бел боғла эмди бўлуб мардона!
Мани бошимдадурсиз, дўстлик қилурсиз,
Ғазалларимни тинглаб, худди парвона.
Бу дард мандин йироқ бўлишни истамас,
Ухшайдур охири тўладур паймона,
Хасталигим яхши бўлди, ёронлар,
Кўрмак учун сизгадур бу бир баҳона.
Паймонам қай куни тўлса агар, дўстларим,
Халқ ичинда ўқуғайсиз ғазал, афсона.
Анбар бўйи бўғилмасун, эй гул, кўксингда,
Ханда қил гунчалар, кулсун зани эмона!

Қўй, ухласун эмди, якбора тонг откунча,
Берсун танига роҳат, қаҳвора тонг откунча.
Ман сан ила уйгоқ, ҳамдам бу зулматда,
Ул холи хабарсиздур, бечора тонг откунча.
Ул бўлса хабарсиз, сан анго тушунтирма,
Ақли киродур, бола, бир бора тонг откунча.
Бизни кўзимиз кўкда ойни чиқишин пойлаб,
Нимжон ёрутиб тургай сайёра тонг откунча.
Сергак кишилар билгай, ўзлари саҳар чоғин,
Не кераги бордур, нағора тонг откунча?
Анбар ҳидини сочиб, қуйлаб ўтирар доим.
Тонг нурини билмакка, ишора тонг откунча.

Эй замон, раҳм айлагил, вақти заволимни кўруб,
Яшнамай пажмурда бўлгон нав-ниҳолимни кўруб.
Қай куни бўлғайки, сан мандек гадолар ҳолига,
Дилагайсан бир тараҳҳум бу маҳолимни кўруб.
Ҳусни ҳўбимми гуноҳим, пардаи исматдами,
Кундузи ҳам тун бўлубдур лабдаги холим кўруб.
Ё узун сочларму бу зулматда ётқон йилларим,
Ой ўзин абр ичра солди қаро толимни кўруб.
Бир ўзимни айтмағайман зинҳор, эй дўстлар,
Раҳм этингиз зулмат ичра кўб аёлимни кўруб.
Дудн оҳим арш-аълога чиқар, кўргилки, шайх,
Анбарим бўлди ҳазин тўсдек бу ёлимни кўруб.

[ВАСИЯТ]

Ман ўлсам, эй биродарлар, қизимни куёвга беринг!
Судхўру бой, золимларга зид бировга беринг.
Бечора қизим мураббийсиз қолганда анго,
Ғамхўр ўлгувчи бир ақллик суйёвга беринг.
Ўзи ранжбар ўлиб, аҳли аёлини қийнамасун,
Мазлумларни сўкмасун ҳеч, соқовга беринг.
Ман ўлсам йиғламангиз асло, у кун менинг тўйим,
Такфин сарқитини қизил бўяб, яловга беринг.
Ўғлимни хор этмангиз етимлик нони бериб,
Билим ўргатқувчи олим бировга беринг.
Авлодларим отасидек заҳмат аҳлидан бўлсун,
Улар Анбар ҳидидур, қиру яйловга беринг.

Таъсир этмас манго азалдин танбеҳи зоҳид,
То кўрмагайман хилватда бўлгон андуҳи зоҳид.
Манким, эрурман огоҳ андин, эл ичра тақво,
Хилватда ишрат, нафс куйида ташбеҳи зоҳид.
Ҳар ерда бўлса, лаби пичирлаб, қўл жунбишини,
Эл кўзиға ул хавф ила рижо тасбеҳи зоҳид.
Гўқдир ҳақиқат жазо берурға, макрин кўриб ҳам,
Шариат аҳли фаҳмиға етса танзиҳи зоҳид.
Қўрқутма, эй шайх, мазлумаларни дўзаҳ ўтидин!
Манго аёндур иблис макони, макруҳи зоҳид.
Назм айламакни гуноҳ дейсиз Анбарға доим,
Нечунки назмим тиғи кесодур фириби зоҳид.

Шум ажалдин ҳам ёмонроқ жангарини соси тунд,
Тил учида ошнодур, аслида авзоси тунд.
Каалтабиндур, кўнгли вайрон ўз элининг душмани,
Бўлса-бўлмаса кир излаб, айлагон ғавғоси тунд.
Тинчлик душманлари ила сира сўзлашмоғил,
Олди-берди қилса ҳам феъли ёмон, савдоси тунд.
Шаҳр ичра қўймангиз бегонани, эй дўстлар!
Қўй бўлиб киргай, чиқишда бўридек яғмоси тунд.
Ажнабий чет элга борса, шайхлардек порсо,
Усталик ила қўпоргон ҳилаю иғвоси тунд.
Тундликни беҳ-бунёди ила нобуд этай,
Ҳар ёмонга зид бу Анбар ҳидларим, кимёси тунд.

Келиб хушнуд авлодим, мани мулким қилур обод,
Бу вайрона диёримда шаҳарлар айлағай бунёд.
Дабистони улумни сар-басар очиб ҳар эл ичра.
Кенгайтиб таҳсилини, навжувонлар айлағайлар ёд.
Тўсиб дарё сувини, чўли бедунға юбориб жон,
Ҳама қишлоқ элини сув балосидин қилур озод.
Қаронғу уйда инграб ўлтирурму ман каби хотун,
Ҳама ашъорини овоз ила ўқуб, қилур ижод.
Момом — Вайсий ўзини қайди бандда қурди ҳар ҳангом,
Қилиб Хўқондға риҳлат, рўзгорин айлади барбод.
Ажойиб Марғилонда аммасини кўрмади отам,
Бобом низ хоҳарини ёд этиб, айларди юз фарёд.
Келур вақтеки, хешованд жаможам кун кўрар хурсанд,
Замонни[нг] хотини авлодини руҳи кўрар дилшод.
Даригоким, бу Анбар ўтодур кўрмай ул оламни,
Бу умрим бўлди кўтоқким, фалақ гардишидин минг дод!

Эй болам, Хайруллахон мактаб очибдур, борингиз,
Албатта, шу янги мактабда ўқунгиз борингиз.
Ерда ўлтурмай харракда ўлтурурмиш болалар,
Тоза тургай уст-бошу жомаю дасторингиз.
Ўргатармиш турк тилида ҳар илмдин борини,
Келгусида шу билимлар бирла бўлғай корингиз.
Ҳар ўқушнинг маънисига тез тушунсангиз агар,
Яхши муллолар каби олис борар рафторингиз.
Отажонингиз ҳамият берса ўқишга доимо,
Ул худо соғлиқда сақлаб бўлса доим ёрингиз.
Бибихон яхши қараб, ҳар кун жўнатса вақтида,
Яшнаса, мактаб қошида боғчаю гулзорингиз.
Болалар, озода бўлсангиз, адабли бўлсангиз,
Мушку Анбар ҳиди бергай куйлаган ашъорингиз.

Эй, ҳавода турнақатор учган ғоз,
Қошимга туш, қанотингни қил қоғоз.
Патларингни кенгайтиргил шунчаки,
Ҳар бирини ер[нинг] кенглигида сан ёз.
Қанотингга юрак сирларин битай,
Ғамгусорим тарафиға эт парвоз.
Кўнглимда аламлар шунча ҳам кўпки,
Минг ғоз қанотиға ёзганда ҳам оз.
Фарёдимга қулоқ солиб, раҳм этса,
Келсун, иқдомиға солай пояндоз,
Хотирини шод айлай, анжуман йиғиб,
Шоирлар куйласун қўлга олиб соз.
Ҳақиқий муҳаббатга қулоқ берса ул,
Анингдек дилрабони айлайин эъвоз.
Мажлисга уди Анбар ҳидини сочиб,
Ўзимни элимда айлайин мумтоз.

Бу фалак манго ажаб қайғуни илҳом айлади,
Ишқ дардин айлама изҳор, деб том айлади.
Узи ишқ лашкарларини Мисрдин ҳайдаб келиб,
Бемаҳал ғавго солиб, ул доҳили шом айлади.
Миср шоҳи юздин олмай ўлтирибдур дар ҳижоб,
Ул Зулайҳо хажри дардин, ки бадном айлади.
Ишқ бирла ҳажр дарди бўлмаса ҳар кимсада,
Билғил ониким, ўзини ўзи беном айлади.
Ман нучук сабр айлайн, суйган нигорим келмаса,
Сир очилди, воқифим ҳар хосу, ҳар ом айлади.
Ҳайф бу Анбар ҳиди, шу дунёга лойиқ эмас,
Келгуси дунё учун маҳфий саранжом айлади.

Қўшулиб мулки Фарғона ўрусга бу саро бўлди.
Ўрус ўзбек элига бир тугушгондек ого бўлди.
Ўруслар ишда пишгон важҳидин ҳушёрдур онча,
Раият фойдасига сўзламоққа раҳнамо бўлди.
Зиёлиси зиёлимизга таълим берса илмидин,
Ҳама ишларга омил устоси бир кимё бўлди.
Валекин, ҳукмронлик важҳидин оғир бўлуб ишлар,
Яроқлар икки хил, зарбидин оғриқ бедаво бўлди.
Олиқлар бир қатор эрди, тўлашга бўлмади дармон,
Солиқлар қўшқатор ўлғач эл эмди мосуво бўлди.
Қилич ёнига тўппонча қўшулиб, ҳайбати ошди,
Ки, аксар пойловучлар ҳибсда мотамсаро бўлди.
Қувониб, ибтидода ўйлади эл, «зулм кетди», деб,
Келиб золим, мулозим бирла тезда ҳампо бўлди.
Билиб олғочки мақсад бир эрур ҳар икки қонунда,
Бизим пешволаримиз дардига малҳам даво бўлди.
Буни кўргач бечора эл яна маъюсу маҳзундур,
Сабаб шул эрди, эл ичра давоми можаро бўлди.
Сан эй Анбар отинча, сўзлама бундоғ аёлдурсан,
Неча сандек аёллар дардини айтиб, адо бўлди.

Борурман деб нигорим, бу дилимни чоғ-чоғ этди,
Адам даштига юзлангон танимни боғ-боғ этди.
Бу сўз бирлан тасалли берди кўнглумни ёрутмоққа,
Қаро зулматда қолгон масканимга бир чароғ этди.
Шу бўлди, келмагинин маҳрум ўлдим шўр бахтимга,
Висолин лаззати кўксум аро юз доғ-доғ этди.
Хабар келганда яшнаб гулшаним, булбул эди хушхон,
Бу боғимни умидсизликда кони зоғ-зоғ этди.
Нигоронликда Ширин ишқидин тоғлар кезиб Фарҳод
Мани йўлимда юз турли аламни тоғ-тоғ этди.
Жудолик, хасталик кундин-кун ошди найласун Анбар?
Ўзича ул ғазал ёзмоққа ҳар дам чоғ-чоғ этди.

Бу оҳим дуди охир титрагур арши муаллони,
Дуо бўлмай ижсбат, ёрутур бу шаби ялдони.
Ҳамеша қўл кўтариб айлағойлар кўб дуо барча,
Дуо қилсам қочургайман каромат узра донони.
Деюрлар чин дуо қилса, қилур сувларни ул тесрав,
Келур вақтеки, бошқа йўлга бургайлар бу дарёни.
Дуо қилмай мурувват муждаси бирлан кўкартургай,
Бу туфроқ кўксига жо айлағай гавҳару кимёни.
Ушандоғ олими пурдидани бўлай тасаддуқи,
Келур вақти, бу орзу нақд қилгай ҳар таманнони.
Ўзим — Анбар, бу бистарда ётурман порадуру бу дил,
Манинг хушбўлигим охир тутодур рўйи дунёни.

Асли десак, насли бир сак қўрбоши,
Элликбоши, мингбоши ва даҳбоши.
Хон давридин сарқут қолгон амалдор,
Ҳоким — ўрус бўлди, Мўмин қўрбоши.
Меҳнат ила маблағ топиб уй солдик,
Приставга лойиқ кўрди қўрбоши.
Душанба кун қирқта қозоқ ўрусни,
Ташқариға бошлаб келди қўрбоши.
Нима эмиш? Шулар ҳовлиға пристав,
Кўчиб келар бўлди дермиш қўрбоши.
Новвойхонадин эшитиб устозим,
Етиб келиб кўрса, турмуш қўрбоши.
Қўли хаамирича югурган экан,
Нима учун келибди деб қўрбоши.
Аҳволини тинглағоч, таваккал қилиб,
Урибдурлар, ҳушёр бўлди қўрбоши.
Икки тиши сишиб тушгон бўлса ҳам,
Ғазабидин кечмади ул қўрбоши.
Ҳокимға арз қилиб жаримасиға,
Ҳовлини олдириб қўйди қўрбоши.
Кўб жон тикилиб кичик ҳовлида,
Қийнолдик, жабрини қилди қўрбоши.
Эй, Анбар отинча, фарёд этма кўб!
Бу замонда золимлардур ишбоши.

Гапур, дўхтур, менинг дардимға дорулар қачон келгай?
Бу дардни қақшатурға тунд оғулар қачон келгай?
Ҳама авлодларим ўйнаб кетибдур дунёдин бирдек,
Мен ҳам умед қилгон ширин орзулар қачон келгай?
Билолмасман, фалакдин дод этарлар барча, бўҳтондур.
Кўзимиз олдиға ул юлдуз — инжулар қачон келгай?
Узоқдур деб у меҳмондин умед узган ниҳоят кўб,
Умед узмам келуридин ки, ҳиндулар қачон келгай?
Қаро бахтим мисоли офтоб нурида куйганлар,
Қадимдин дўсти жон ул чашми оҳулар қачон келгай?
Тавоно гарданида зебигардондур жавоҳирлар,
Нотавонлар таққали ёқут, лўлуўлар қачон келгай?
Ҳусн бобида давлат зарби зўрму, сурати зўрму?
Бу Анбар рўйи зебосиға кўзгулар қачон келгай?

Эй дилбарим, боғимга кел, ҳурилиқодин ўргилай,
Сани манго келтиргувчи боди сабодин ўргилай.
Сансиз баҳор ўлмади, гул ҳам бирор [бор] кулмади,
Таъбим бирон очилмади, сан дилрабодин ўргилай.
Неча қародим йўлингга, келгаймусан, деб субҳу шом,
Термулдим ман алдавом, сан пуржафодин ўргилай.
Кундуз ҳам ўлди кечалар, йўлингни кутдим нечалар,
Бир қилмадинг андешалар, сан бепарводин ўргилай.
Бир йўл келиб шод эт мани, мулкимни обод эт мани,
Анбар ҳидини ҳидлабон, қоши қародин ўргилай.

Фалак, бошимга тушкил, бундин ортуқ жабрлар қилмай,
Ҳама тарҳинг бузилсун, ер юзининг тарҳини бузмай.
Қанотим йўқки учсам, мен бориб қошингда сўзлашсам,
Ки, бечора халойиқ йиғлоғойлар сирлоринг билмай.
Мани бу сўз ила айб этма, зоҳид, илм қил таҳсил,
Ҷаҳондин сан тириклай кўз юмарсан, умрни кўрмай.
Бу дайр аҳлини доим куфрга оид айлаб хонақоҳ ичра,
Халойиқ ҳам алойиқдин кечибсиз, қадрини билмай.
Кеча қайғу ила йиғлаб, кавокибни кезиб кўзим,
Ҷаҳон аҳлига изҳорим келур не маҳфий қолдирмай,
Ҷаҳолатда хабарсиз, ҳирқаға бурканса доим шайх,
Кўзи кўрмаски, тасбиҳи нечандлар эди билмай.
Бу нодон сўфи доим шайхни феълини кашф айлаб,
Билолмаским, ўтарму пулсиротдин анда йиқилмай.
Мени афсона қилманг, эй халойиқ, айб зоҳидда,
Манинг Анбар ҳидим рушод, зоҳид ошкор этмай.

Турсун дардар, дарилла тўйларда сан ҳайиқмай,
Бой хотунлар келгонда, асло қўймагил қоқмай.
Камбағални иззат қил, тўрга чиқар уларни,
Савлатиға ош пишконлар юзларига ҳеч боқмай.
Ғозибойлар, кемачилар, мингбошилар хотуни,
Пиёда бормаиди, извошга қўнғироқ тоқмай.
Ундоғ шуҳратчиларни танобини тортиб қўй,
Давлатиға дам бермасун, мунча ортиқ ҳовлиқмай.
Ярашмағон ямоқдур ул дириклама искалуш,
Тамкинона юрурлар, этик ковушга сиғмай.
Атр-ифо суртади ажин босгон юзларга,
Анбар ҳиди берурму, гул бўстонда экилмай?

[ШОИРЛАРГА]

Шоир эрсанг, вақт-вақти бирла мушоира қил,
Ул Ҳазиний тўдасига кирибон мунозара қил.
Ғар гуноҳинг ортуқ ўлса ул ҳисобот вақтида,
Бир савобинг кўрсатиб, ўзингни мудофия қил.
Жаннат орзусида хизмат айласанг гар тангриға,
Дўзаҳидин қўрқганингданму мулоҳиза қил?
Хизмат этсанг эл учун холис қило кўр доимо,
Кўб кирокашлар илан қўрқмай мубориза қил.
Кимсаки халқ ғамидин ғами бўлурса, анго сан,
Ендошиб, ҳар ишида ул ила мутонба қил.
Агар устоди адабни изласанг, Анбар отин,
Сан Навоий таълимини доим мутолиа қил.

[МУҚИМИЙГА]

Эй Муқимий, эрлар ичра куйлангиз сиз ҳар мудом!
Негаки мандек аёлларга эрур куйлаш ҳаром.
Эрни хотундин қилиб афзал яраткан дейдилар,
Биз учун ҳам сизни шеърингизни этсун эҳтиром.
Безизоатлик агар эл ичра бўлса айбингиз,
Бўйла қонун кашф этканлардин олинг сиз интиқом.
Сиз каби ростгўйлар ҳоло хушомадга ғализ,
Вақти келгай сўзларингиз топқуси олий мақом.
Ичкарида маҳрамимдур бу қалам, қоғоз менинг,
Дафтарим топилса бир кун ўқуғусидур издиҳом.
Ўлмасам етмиш ёшимда кўрсам ҳам майли эди,
Анбарим ерга кўмилса, ушбудир бахти қаром.

Бир жуҳуд базвоз кириб келди бугун,
Ўлтуриб қошимда чечди бир тугун.
Бор экон бисотида ҳар хил мато,
Читу атлас пурбаҳову гулгун
Бўғчасин очди қошимга кўюб,
Деди:— Сайлаб олингиз киймоқ учун.
Ман дедим:— Хело жуҳудлар бой бўлуғ,
Уйларида ўткарурлар яхши кун.
Деди:— Эй хоним, бу моллар бойники,
Қарзлар остидадур бизда бўйин,
Биз ҳуқуқсиз, шўр пешона халқмиз,
Дастмоя юз танга бўлмас ойу кун.
Ман дедим:— Сабр эт, кеча ойдин бўлур,
Анбари бошингга солгай ёғду кун.

Мардона тут ўзингни, эй боғ, умринг узайсун!
Мандин кейин фарзандларим сани ҳуснингни кўрсун.
Афсус этма асло, орзу ушатмадим деб,
Сабр эт, баҳори фасли ҳуснинг камола етсун.
Кумуш каби ирмоқлар тоғ бағридан шарро-шар,
Ўйноқлашиб қўйнингга кириб жавлон урсун.
Сув майса ичра шимғиб, ўпсун оёғин,
Себарга ҳам лаб чўзуб сувни лабини ўпсун.
Шамшоду тўби янглиғ мева дарахти саф-саф,
Танго тилло сингори гул баргларини тўксун.
Булбул келиб завқ ила гул шохида хуш овоз,
Васфингни куйлаб, шўх-шўх ўйнаб тарона қилсун.
Баҳор насими эссун, Анбар ҳидини пурқаб,
Бошинг узра парвона санго меҳрини қўйсун.

Худонинг неъматини бўлуб олгонларга ўт тушсун,
Шариат ҳукмини йўлдин чиқаргонларга ўт тушсун.
«Дёллар сочи узун, ақли қисқадур», дегонларга,
Товуқча ақли йўқ, ахлатни титконларга ўт тушсун.
Тариқча илми йўқ «қози калонман, муфтимаан» дейдур.
Абу сино, Улугбекдин кўз юмгонларга ўт тушсун.
«Хотунлар мол қатори сотиладур», деб муштипарларни,
Зулайҳо, Лайли, Ширинни тан олмогонларга ўт тушсун.
Бўйи хуш Анбар кабилар ҳайф ҳаромхўрлар учун,
Судхўру фоҳишабоз, сўзи ёлғонларга ўт тушсун!

Санинг даргоҳинга ман ёлборурман, раббоно олло,
Дуо қилсам, ижобат қил, элим ҳақида ҳар ялдо.
Манинг турган ерим Мовароуннаҳрдур исми,
Халойиқни сувингдин бенасиб этма, худовандо.
Кўрурманким, халойиқ неъматингни билмағай сандин,
Тавонгар нотавонни қақратиб сувсиз қилар саҳро.
Агар сандин билурлар неъматингни ҳаммаға тенгдур,
Нечун бойлар муносиб кўрмағайлар, бу нучук савдо?
Ҳама неъматларингни тақсимини муфтилар қилғай,
Нечун бой учни олса, чоракори бир олар ҳар жо?
Жаҳаннам сассигидан сақла бандангни ўзинг фардо,
Бу Анбар ҳидлари жаннат эрур эл наздида ҳоло.

Қай кунни бўлғайки, бўстониға бир меҳмон келур?
Гул очилган чоғида бир булбули хандон келур?
Қайси кун байтул ҳазанимни ёрутмоқ соати?
Бу қаро ғорим ичиға парпираб шамдон келур.
Аслида бўстон бўлиб, ғорға ўхшар тақлиди,
Чунки ғурбатдин асорат — бўйи қабристон келур.
Бор умидим бўстониғ яшнағай қайтиб яна,
Ман ила суҳбат учун Нодирани даврон келур.
Ул улуг устод кейнидин манго меҳмон бўлиб,
Куйлашиб шогирдлари қошимға юз чандон келур.
Бора-бора дашту саҳро ҳам бўлодур лолазор,
Навжувонлар сайр учун, албатта, беармон келур.
Анбарим ҳидини бўйлаб, кайфидин хушнуд ўлиб,
Эвазиға ман қабилар дардиға дармон келур.

Қиш кетди, муз эриб, баҳор бўлур,
Янги умр насимийки навбаҳор бўлур.
Бу барча абр йўқолиб осмон
Саҳни кўнглимдек хўб беғубор бўлур.
Қирларга зог оёғи эмди тегмагай,
Гилами зумрад сингари сабззор бўлур.
Наврузки, қиз учун сайил куни,
Монанди лаби лаъли саҳро лолазор бўлур.
Ҳар қиз ул кунга етса у нек бахт,
Ҳусни камолига етиб гулузор бўлур.
Хуш ул сан каби, бу китобинг [Анбар]
Ул дилраболар қўлида шиор бўлур.

Бир замонни ўйлағайман, ҳеч замонга ўхшамас,
Бу жаҳон бурчида тўртдин бир томонга ўхшамас.
Дашту саҳро бош-оёқ бўлғай тамоми бўстон,
Бу замоннинг бўстони, бўстонга ўхшамас.
Тоғларидин кўп хазина мени ол, деб қичқирур,
Жилғалар шаҳри азиму кўҳистонга ўхшамас.
Бу замонда шоҳдур Искандару Доро каби,
Ман дегон кунлардаги бир боғбонга ўхшамас.
Бўри қўйлар бирладур дахл этмаса доврўғидин,
У замонда бўлғучи доруламонга ўхшамас.
Хизматида қирқта қиз хизмат қилармиш бекани,
Келгуси озод — ҳур қизу жувонга ўхшамас.
Молини ҳисоби йўқдур, кўзи тўймас бойни,
Халқнинг молини боққан қўйчибонга ўхшамас.
Минг[та] шоир ёзади ёр дардин куйлабон,
Мушк Анбар ҳид сочарлиқ дostonга ўхшамас.

Қулоқ солғил манго, эй дўхтур, бир пас!
Ғаниматдур бизга ўтгон ҳар нафас.
Дўстларни уйиға бориб қарайсан,
Оёвсиз ушатғил бўлса, гар қафас.
Ман бўлдум ул мудҳишга гирифтор
Мандин ўзга йўлуқмасун ҳеч қас.
Урус келиб ҳам бўлмади осуда,
Зулму даҳшат йўқолсун, эмди бас!
Ман ғариб бистарда ётиб йиғласам,
Худо еткурса ахир бўлмоғай абас.
Ешларни умрини хазон этдилар,
Кўз олайтириб у номуссиз ҳама нас
Ешлар юзин кўрсун хуршеди тобон,
Анбар дилида қолмасун бу ҳавас.

Фурқато, Сиздин қабули илтижо қилсун ўрус,
Бу заифни илтимосини адо қилсун ўрус.
Келди, келди, майлиго, бир янгиликни бошласун,
Болаларға янги мактаблар бино қилсун ўрус.
Оқ иту кўк ит бўлиб, итлар галолаб юрмасун,
Посбонлиққа муносиб ит раво қилсун ўрус.
Ваъда қилмишким, раият ҳолини неку қилур,
Айтингиз, ул аҳдиға бир йўл вафо қилсун ўрус.
Дўхтуримдан эшитиб, хушнуд эрурман русдин,
Бистарим устида бу дардға даво қилсун ўрус.
Ҳеч ерға чиқмасимға онт берди бу оёқ,
Дўхтурим восита бўлса, бир шифо қилсун ўрус.
Бахшилар, қушнучу лўли дастидин безорман,
Покиза аптекадин дору даво қилсун ўрус.
Сандалида кўб ётуб жонимға текди, дўстлар,
Печкасини бу уйимға жобажо қилсун ўрус.
Каровотда Бибихоним, Оминам, Усмоиҳўжам,
Яйрасун, роҳат ишини барҳаво қилсун ўрус.
Бу паранжида қарилар ёш ўлар пардоз ила,
Мушку Анбар ҳидини ёшларға мубо қилсун ўрус.

Аё даврон, ман ўлгон сўнг, қилиб ёдимни хушнуд эт,
Менинг кейнимда қолган барча авлодимни хушнуд эт.
Адам тоғида Мажнундек Ширин ишқида жон берган,
Тирилиб келса ногаҳ, сийла, Фарҳодимни хушнуд эт.
Нечанд ёлбордим эмди келмадинг умримни борида,
Агар келсанг таним йўқдур, бу руҳи ношодимни
хушнуд эт.
Қолур байтул ҳазаним, ҳама аҳли кетур ташлаб,
Ўзинг кел қайтадин бу байти ношодимни хушнуд эт.
Деворим йиқилиб манзилларим қўшилмасун йўлга,
Тадорик қил, қадрдон шаҳри ободимни хушнуд эт.
Тараҳҳум қилки, авлодим ғарибдек бўлмасун асло,
Уларни сийлагил, бу хоки барбодимни хушнуд эт.
Йиқилмасдин бурун даврон, келур деб чиқдим
истиқбол,
Йўлингда зор бўлгон қадди шамшодимни хушнуд эт.
Сани кел деб бутун умримда йиғлаб, жондин айрилдим,
Сан ҳам Анбарни излаб илму ижодимни хушнуд эт.

Ҳеч қайғуни гапурма, бағримни эзди қайғу,
Агар ишонмасанг кўр, юзим сарғайди кўзгу.
Майли, бағрим эзилса, тилим бутун-ку ҳоло,
Дилимдаги хазина тилим учида туйғу.
Дарё мисоли бўлса, киши дили аслида,
Сўзларида жило берур дилидаги ҳар инжу.
Ранги қаро дема, ҳабаш дили сани дилингдек.
Оламдаги муддаони яхши билади ҳинду.
Жоду деганда шоир, макр мақоми дема,
Зебо кўзи мафтун этса, анъанасидур жоду.
Қаро кўзни тасвирида кўринади баралла,
Баланд тоғлар устида дириллаган бир оҳу.
Сўзларимга тушунса, бўйи Анбарни ҳидлар,
Бефаҳм ҳар аблаҳ учун иборамдур чун оғу.

Эй Камий, шоирлик узра мунча қилманг лоф-қоф!
Муҳийдек мунча узоққа бордингиз то куҳи Қоф?
Ул Ҳазиний пайрови бўлмоқ ила топмас назар,
Шоир ўлмоқдин умиди бўлса, қилмас ҳеч лоф.
Шеър ёзсангиз, халойиқ ҳолидин мавзу этинг,
Кўп улуғларни мадҳ этмоқ эрур бу исроф.
Аввало ўйланг, эл ичра зиндаги қай хилдадур,
Икки ёқлик зулми, сиз айланг, ҳамеша эътироф.
Сиз каби мақтов ила ёзсам бу шеъримни агар,
Кўп газал ёзилғуси, то бўлғусидир қоп-қоп.
Завқию Шавқий, Муқимийдек ҳаётимдан ёзиб,
Анбарин кокилларимни ҳидларин айлай тавоф.

Шум жаҳонгирлар учун зўр даври даврондур уруш,
Кўп ҳаромхўрлар учун пур рим ила қондур уруш.
Қонхўру бедодгарлар таъмасини келтирур,
Эл учун боди бало бир офати жондур уруш.
«Эчкига жон қайғуси, қассобга ёғ»,— дегонидек,
Жангариларга давою, роҳати жондур уруш.
Одамилиқ нусхасини йўқотиб ваҳший каби,
Қонсираб қолғон шоғолға рагдаги қондур уруш.
Бойлик орттирмақ учун жанжал чиқориб пойма-пой,
Дайдиган итлар учун бир ганжу навқондир уруш.
Зўрдин зўр чиқса доим, зўр қочғай гўрга,
Сулҳу амният кучидин несту яксондур уруш.
Қай куни бўлғайки, дунё сулҳ ила топғай қарор,
Акс ҳолатда бу эл пойиға қопқондур уруш.
Жарчи бўл, Анбар, хотунлар бирла чиқ ёв зиддига!
Бу нечук мудҳиш балою оби тўфондур уруш.

Эй замон, ман санго боқмай, аслида сан манга боқ!
Қиш кетар, ёзни боши у навбаҳор сан манга боқ.
Ман санго муштоқдурман ёри жонимдек кўриб,
Йиғламоғингни қўйиб, васлингни кутган танга боқ.
Кўп қаро зулмат тарафга боқма, авзоинг бузар,
Кўзларинг пур нур этоди, хуршеди равшанга боқ..
Сан ўтурғон хонага хуршед нури тушмади,
Хона кунжокига нур берган кичик равзанга боқ.
Раҳм қилғум сан жафокашга қийин, аммо нетай?
Бир ўзум танҳо, ёронлар, кўп йироқ майманга боқ.
Кавкабим яшнар, ҳумоюн бошима қўнғон замон,
Анбарим ҳидига тўлуб яшнаган гулшанга боқ.

Бир ажиб қишлоқлардур Ғумойил ҳам Бешқовоқ,
Бу Хўқанд шаҳрига унчалик эмас йўли узоқ.
Ҳама Ғер боғу дала, атрофида кенг пахтазор,
Пахтани бой оладур, деҳқон қолодур қўл қадоқ.
Боғларнинг мевасини маъниси йўқ бу баҳор,
Ҳар тарафдин қушлар ҳам келмади бўлғай қўноқ,
Боғбон қўйгай эди қушлар учун кўб ошиён.
Келтурурди нўлида қушлар у ёқдан кўп шафақ.
Боғбон ҳам дил хунукдир бу фалакни дастидин,
Мевасидин бенасибдур, шу сабабдин бедумоғ.
Илгари бир бойни мулки эрди, ободроқ эди,
Устига бир бой келиб, бу ўртада чиқди нифоқ.
Умед улдур, бўйи Анбар келса жаннатдин яна,
Яшнаса гуллар бу боғда, булбул ўлса вақти чоқ.

Не учун гул фаслида пурханда бўлмайдуру бу боғ?
Ханда қилган боғни қай дунёдин айлай сўроғ?
Иштибоҳ этмоқ нечунким, текмағай боди насим,
Баҳри Уммондин бу боғ йўли эрур беҳад йироғ.
Бу баҳор фаслида сабзозор ўлиб турмайдиму?
Не учун шамшодлар мажнунтолдек бедумоғ?
Манда ҳайрат бўлди пайдо, бу нечук кунлар эрур?
Хонадонда кундузи ҳам ёқадилар эл чироғ.
Бу ажаб сол ўлди, ёз ўтмай мисоли қиш эрур,
Айни ёз ўртасида га-га деюр бум ила зоғ.
Пиразан уйи каби дўкон ёнида йилтираб,
Жон берур вақтими, мажруҳ тан ёнадур жин чироғ
Бойлар уйида анқир уду Анбар ҳидлари,
Камбағал уйида йўқ жинчироққа лампа ёғ.

Пойдор ўлсун жаҳонда хуш насими бўйи сулҳ,
Тушсун ушбу бўстонга раҳсипори кўйи сулҳ.
Порлоғой хуршеди тобондек ҳамеша нурлари,
Қайси ерларга қараса, ханда овар рўйи сулҳ.
Бу ўруснинг хокига кирмиш фаранги хомтама,
Зарба бирла ҳайдамишдуру юртига барзуи сулҳ.
Эмди бу Гирмон кўтарди янги жангни дунёда,
Они ҳам ҳушёр этодуру қуввату ўрдуи сулҳ.
Раҳнагарлар тинмайин босқинчиликда санқиса,
Излоридин нуқс қолдирмайди шусти шўйи сулҳ.
Анбаро, ул баҳри Уммондин ариқ оч дунёга!
Тинчлик баҳрин кетурсин сув каби ул жўйи сулҳ.

НОИБ ТУРА АЕЛИ ЕКОТЕРИНА

Сингилжон, ҳамсоя бўлдинг, сирни пинҳон этмагил,
Ўзбеку ғайрия бу деб, миллат исъён этмагил.
Миллатинг рус одамиятда дуруст афъолларинг,
Ёшуруб одатларинг хотир паришон этмагил.
Покиза устолда ўлтурмоқ ажаб бергай шукуҳ,
Бу фақат бизларга хос деб, фикри нодон этмагил.
Ҳар нечук озодалик бўлса ярашгай бизга ҳам,
Ваҳшилик побандимиздур, бизни ҳайвон этмагил.
Ҳамнафас санга эрур ноиб, насиҳат айлағил,
Сарт миллатларни хўрлаб, чашми гирён этмагил.
Ўзбек аҳлидин нечанд олим чиққондур билсангиз,
Шак кетуриб илмимизга, феъли шайтон этмагил.
Мушк Анбар конини топкай мусулмон бўлса ҳам,
Манга бўлғон хайрихоҳликдин пушаймон этмагил,

Кўбдин кутаман, кел эмди, жондин азизим!
Бир ҳолимни сўргил мени, эй соҳиб тамизим.
Ҳолима ҳеч киши боқмаса ҳам, сан ҳамадин,
Ортиқ бўлиб келгил, эй сўзи лазизим!
Бир бор қараб, зулматли уйимни ёрутиб,
Кўнглимни кўтаргил, сан кўзлари тезим.
Бор умримни сарф этиб муштоқи юзингни,
Бўлғаймукин охир ўшал хушнуд кезим.
Бу не хислат эрур, эй олими жаҳондийда,
Ичмасдин аввал бўлди қаро бу қимизим?!
Майли, қимизимни тўкаман, даркор васлинг,
Солай қадамингга Анбарин оқ кигизим.

ОЛИМЖОН ҲОЖИ ТАЪРИФИ

Аввалида ўқиб илм олди бу оми ҳожимиз.
Ўзини кўрсатди чун бир катта мулло ҳожимиз.
Мулк ичра, пул ичра судхўрлик авжида,
Қорин ишкомба ишига бу савдо ҳожимиз.
Пул кўпайди, ҳажга кетди, ҳожи ном ортургани,
Қаъбадин қайтиб келиб, кўб бўлди расво ҳожимиз.
Эл аро ҳожи афанди, уйда шилқим нафс бандаси,
Тўрт хотун ўртосида бир ўзи танҳо ҳожимиз.
Бошида камроқ гунсҳи бўлса тавба қилғоли
Борди, аммо хосларга бўлди аъзо ҳожимиз.
Ҳожи Муҳйидек шариат ҳукмини пеш келтириб,
Ваъз айтиб, эмди қилди элни аъмо ҳожимиз.
Эй, халойиқ, тингламанг, айғоқчилар найрангини,
Элни алдошда ул ўғриларга ошино ҳожимиз.
Қаъбада такфин кийиб, ўлмакни орзу айлади,
Анбаро, таън этмагил, қўй юрсун арвоҳ ҳожимиз.

МИНГБОШИ КАЛ ОМИЛ ҲАЖВИ

Бўлди мингбоши кал Омил,
Бошида туки йўқдир ақалли бир қил.
Кўнглида илмдин ҳеч асар йўқдур,
Қалима айтмоққа юришмас тил.
Амални ул гаров сотиб олди,
Поралар устидин бериб вексил.
Арзга келсалар агар фуқаро,
Пўписа дўқ уриш учун абжил.
Ҳоқимга борсалар шикоят ила,
Мединский дегони яна бадфеъл.
Билмагай фуқаро қаён бормоқ,
Волостнойи, ҳоқими бари бир хил.
Дин бир эмас иш бирдек,
Бир қуръон ўқур, бири инжил.
Эй мани қаламим, бориб тезроқ,
Оқ бошига соч қилиб сиёҳ суртқил.

МУХАММАСЛАР

Екотрина манга берди тасалли шунчалар,
Келгуси даврон ҳақида берди кўб тушунчалар.
Ануса ҳам Клава ном қизлари гулгунчалар.
Во дариго, келмади вақт ечкали тугунчалар.
Кўз юмуб бу дунёдин, мақсудима еткум букун.

БИБИХОНГА ВАСИЯТ

Эй қизим, омода бўлғил дунёдин кеткум букун,
Ҳолатим еткунча тилдин ҳолими баён эткум букун.
Беҳабар қолма, ғамим бир баён эткум букун.
Кўлларимдин жон чиққонча ўз гапим биткум букун.
Кўз юмиб бу дунёдин, мақсудима еткум букун.

Эй қизим, Мўминхўжам аҳволидин воқиф бўлуб,
Боҳабар бўл, ҳар ёмон ерга юриб, таъсиф қилиб,
Чиқмасун тўғри йўлидин дайдиларга қўшилиб.
Айткил Акбархўжага йўл бермасун таъқиб қилиб,
Кўз юмуб бу дунёдин мақсудима еткум букун.

Эй қизим, Усмонхўжамни ҳолидин олғил хабар,
Бу етимликда яна йиғламасун шому саҳар.
Кўз ёши бирла гўрим туфроғини адои маюстар,
Бағрига тошлар уруб ҳам бўлмасун у дарбадар
Кўз юмуб бу дунёдин мақсудима еткум букун.

Найлайин бу дунёда ман бир кун кўз очмадим,
Хўбрўлиқ айбим ўлди, ойга ҳам юз очмадим,
Бу адаб таълимин олдим дурлар сочмадим,
Ноилож ўлдим вале дур сочмоқ ишидин қочмадим,
Кўз юмуб бу дунёдин мақсудима еткум букун.

Келса да-рон ман гўримдин бергум Анбар ҳидини,
То замон келгунчалик ёшургум Анбар ҳидини,
Ҳар ниҳоли решасига юборгум Анбар ҳидини,
Ҳар ноботот хокида юргузгум Анбар ҳидини,
Кўз юмуб бу дунёдин мақсудима еткум букун.

МУХАММАС БАР ГАЗАЛИ УВАЙСИИ

Эл аро жонбахш ҳам хуршиди тобондур адаб,
Шаҳраро элга фароғатлик гулистондур адаб,
Одамини юзида бир нури имондир адаб,
Э дил, бугун илкинга ол, шоҳ эткан эҳсондур адаб,
Тухфа бўлур кўрсанг они (бир) лойиқи жондур адаб

Дил агар соф эрса, они дейдилар жонон кўнгил,
Уйлоғон ҳар нарсани айлар ажаб дармон кўнгил,
Аввалида ўйламай, охирида армон кўнгил,
Васлда бўлсанг боадаб, фаҳм айлагил, нодон кўнгил,
Кўрсанг агар ул шоҳни, шамъи шабистондур адаб.

Раҳмат сиза, эй раҳнамо, олдим талаб таълимини,
Кўз кўрганин тасвирламоқ, билдим ажаб таълимини,
Ҳар кимсага ўз жойида айтмоққа гап таълимини,
Маъзур тут, эй покдин, бердинг адаб таълимини,
Жо айладим кўнглим аро, билсам қизил қондур адаб.

Қуллик каманд занжирини гулёр солди бўйнима,
Тухмат гамини бесабаб ағёр солди бўйнима,
Арз айласам, беғам бу шайх тумор солди бўйнима,
Куфр этди ишқинг, эй санам, зуннор солди бўйнима.
Ошиқларига ўлгунча ёнмаслик, имондур адаб.

Ишқи покнинг эт насибим, берайин имон санго!
Эй пари, хушнуд этмоқ ишидур осон санго!
Иўқса бисмил қил мани, шарора қилсун қон санго,
Кўз манзарига қўй қадам, наззора қилсун жон санго.
Боқмоқда кўз маҳрумлиги бул тийри мужгондур адаб.

Юрсанг анинг ҳар роҳиға, тут боадаб домонини,
Кирсанг анинг даргоҳиға ўпсанг ажаб домонини,
Эй Анбар отин, паст кетмағил, ҳаргиз силаб домонини,
Қўйсанг бошинг остониға, тутсанг тилаб домонини,
Тутсанг муродингдан умид, Вайсий, фаровондур адаб.

МУХАММАС

Эй шоира, қил қариндошингга насиҳатингни,
Улмасдин аввал қилғил сирдошингга насиҳатингни,
Элу уруғингга қилғил васиятингни,
Бу хушрӯ Ватанинг учун қолдирғил санъатингни,
Ургат ҳамма фарзандингга бу маҳоратингни.

Аввал эл тилини билсунки, қайси тилда сўзлар,
Билсунки қаю йўл ила қайға боришни кўзлар,
Охир бу йўл ила бориб ул ким ила юз юзлар,
Қайсиси қаён боруб ботур юлдузлар.
Кўзинг очуғида кўрсат йўл ҳақида хатингни.

Дегилки, болам, бу сўзларим ўйлогил танингга,
Хизмат қилокўр эл учун бу доно Ватанингга.
Эл роҳатию ғамини қабул эт танингга,
Бовар қилакўр келгусида ёшноқ марди занингга.
Фарзанду қариндош қабул этсун ишоратингни.

Дилни тузотуб, андеша ила ушлаб қаламни,
Тилни узатуб, илм пеша қилиб, ўйлаб у ғамни.
Езсун у қўлидин бой бермай бир дамни,
Езсун оламга бошдин ўткан барча аламни.
Қолдирмай олиб борсун изингдин давоматингни.

Шокиза дил ила йўл олсин шоирлар ичра,
Уткур қалами бирла кириб борсун моҳирлар ичра,
Ҳар гул-ғашни пок этсун ул тоҳирлар ичра,
Эл жарчилигин кашф этсун ул зоҳирлар ичра,
Охир айласун авлодинг камолатингни.

Ҳозирча қоғоз устида мени дурларим сочилғай,
Вақти келиб ушбу маҳфий сирим очилғай,
Бу бахтсиз мани фарзандларим чигали ечилғай,
Ул вақт мани хотунлик гуноҳим кечилғай,
Дегайлар ўшал вақт «Мард аёл — қўйдук отингни».

Кел эмди, эй Анбар отинча, дамингни пас қил!
Сўзни узайтирибон ёзишни ҳозирча бас қил!
Яхсиси шуки, кўнгулда янгилик ҳавас қил,
Кўп оҳ урма, замоне осуда нафас қил.
Умр етса кўрармиз, изҳор эткон кароматингни.

Кел, очил суйган диёрим, гулларингни яшнатиб,
Сайрасун булбул боғингда, дилларингни яшнатуб,
Ййлову қирлардаги сунбулларингни яшнатиб,
Апбарим ҳиди ҳама жамбилларингни яшнатиб,
Халқи оламға ҳаётинг сиррини рўшод қил.

Эй гўзал Фарғона, ўзингни кел эмди шод қил,
Ҳар ғазални бошида, сан, ўз отингни ёд қил,
Қайди бандни пора айлаб, ўзлугинг озод қил,
Қайгулик кунларин кўйдур, барчасин барбод қил.
Эмди Туркистонда ҳақгўйлик ила фарёд қил.

Боғларинг пажмурда бўлди, зоғларнинг пойидин,
Кўкрагинг сад пора бўлди дайдиларни ёйидин,
Қатра-қатра қон томодур ўқ тешкон жойидин,
Қип-қизил қонлар оқодур жабр кўрган сойидин.
Ўз қўлинг бирла бу юртингни ўзинг обод қил.

Бу нечук ғорат эмишким, икки ёқдин тушди йўл?
Икки тил бирдек гапурса, қўрқмағил, омода бўл?
Эгри юрса, юрмағил сан ул тарафға ўнг-сўл,
Кимки эгри йўлда юрса, эл ани этмас қабул.
Зулмдин озод бўлишда ўзлугинг устод қил.

Кимки меҳнат қилса боғинга они эъвоз этиб,
Гул насимини думоғига юборғил ёз этиб,
Нозу неъматни анго берғил яна боз-боз этиб,
Эл ичида ҳурмат ила сийлагил мумтоз этиб,
Меҳнат аҳлиға ҳамеша боқ, дилингни шод қил.

Ухломасман кечалар шамъи шабистон ўлмағоч,
Етти қат ер кўксида бу ойға меҳмон ўлмағоч,
Еру кўк илмини билмакка дабистон ўлмағоч,
Абрлар устига лоқал бир нарудбон ўлмағоч,
Ул Улуғбекдек бу асримда билимдон ўлмағоч.

Нега ухлай кеча-кундуз, ухламоқдин чарчадим,
Кундузи ҳам кечадек кўз юммоқдин чарчадим.
Тушларимда ҳикмат ишларни кўрмоқдин чарчадим,
Уйғониб ул туш ҳақида ўйламоқдин чарчадим.
Кеча ойдин кундузи хуршеди тобон ўлмағоч.

Туш кўриб сувсиз, гиёсиз чўл(да) бедор ўлмишам,
Бир тушимда дашт аро ман ҳамдами мор ўлмишам.
Боз туш кўрсам аёллар ичра саркор ўлмишам,
Яхши ниятларни куйлаб соҳиб ашъор ўлмишам,
Кўзни юммасман сира туш бур(ж)и чандон ўлмағоч.

Бедор ўлтирғонимда ҳамдамим ушбу қалам,
Қўлларимга бу қаламни тутқазур дарду алам,
Устоз ишхонада, ёнимда ётур тўрт болам,
Юрагимдин қоғоз устига тушодур ҳажру ғам,
Қувватим ёзмоққа етгай бир қадрдон ўлмағоч.

Ёзмоғимдин манга не ҳожат чиқар манга аён,
Кўнглума келган ниятни тинмайин айлай баён,
Ёзғонимдин манга йўқдур на ҳаёну, на зиён,
Аржуманд фарзандларим бахти учун бўлғой ҳаён,
Ёзганим беҳтар гапим — тингловчи инсон ўлмағоч.

Ким шамолда чўлға юргай жонини қийнаб ўзи,
Хор кетгай ким бақирса шу куни айтган сўзи,
Чангу туфроқ қилгай ифлос ёпмаса тоза юзи,
Кум кириб ёшлар тўкуб оғриғуси ўткур кўзи,
Юрмагон беҳтар, юрушга кўча дархон ўлмағоч.

Ухлағайман юлдузим ой олдига борса яқин,
Ҳамма кўрган тушларим ўнгимда ҳам бўлса тагин.
Ёзгон ашъорим халойиқ ичра бўлса чун оқин,
Бу шамоллар тўхтабон сайёрға бўлмай қийин,
Анбаримни ҳидлари ер ичра пинҳон ўлмағоч.

На хушбахтлики, фарзанди Фаргона бўлибман,
 озода таним бор.
 Ҳар кўчада бир шоирга ҳамхона бўлубман,
 хушхон ватаним бор.
 Афсус ман мазлум эрурман, ҳақ йўқ манго ҳаргиз.
 бу унвони заним бор,
 Хилватда ўзим-ўзима айтарман ғамимни,
 тилсиз даҳаним бор.
 Ҳеч боки эмас, ман бир неча маҳу сол бурун,
 келдим бу жаҳонга,
 Охир очилиб гулшандай бўлодур бу боғим,—
 гулгун чаманим бор.
 Бўлгучи чаман ризвоилари ўтқузса ниҳол,
 ҳозир тикани бордур,
 Умед табласида боқингга қуюбман,
 асни саманим бор.
 Келгуси ёруғ дунёга боришчун оёғим,
 ҳозирча эрур мажруҳ,
 Дод айламагим мумкин эмас, бу баданимда —
 қайди каманим бор.
 Фарёд этиб кўз ёши ила ёзган бу абёт,
 турсун бу қоғозда,
 Анбар ҳидини сочғувчи бу жаҳонга,
 уди яманим бор.

Одам эрсанг ҳамеша иш қилиб юр,
 Қаю йўлга боруригини билиб юр.
 Ҳақиқат сўзларини сўзлаганда,
 Ани ёдлаб, қулоғингга илиб юр.

ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Отам — Фармонқулийи Марғилоний,
Онам — Ашурбийийи Қуқоний.
Алар белбоқчи — бўзчи эрди касби,
Ҳамеша маккайидин эрди нони.
Ким, «бўзчи ёлчимас белбоққа» доим,
Яна жуфт бўлмас эрди бир чопони.
Бизоат бўлмағач уй эрди нотинч,
Санаб бўлмас эди жанжол сони.
Ҳайит келса ҳамеша ғавғо бўлғай —
Ки, йўқдур янги энгилдин нишони.
Арафа — иди қурбон кечасида,
Ота-онам қўпорди ғалаёни,
Намоз куни иккиси айрилишди,
Бир уйча-ҳовлича сотдилар они.
Ман ҳам икки укам била бизлар,
Онам бирла бўлувдик сарсони.
Онам бирла қолиб биз кўчаларда,
Отам кетди ба шаҳри Марғилони,
Онам бир эрга текди Бешқовоққа,
Уни бор эрди читгарлик дўкони.
Яна боғи бор эрди бир танобча,
Икки танобча ерда деҳқони.
Мани тарбият айлаб, ҳам укамни,
Ҳамеша берди бизга бугдой нони.

Онам кўрди етти фарзанд андин,
Бири кўрқори бўлди кўзи они.
Мани уйға чиқардилар шаҳарға,
Зоҳидхўжа деган новвой Қуқоний.
Ул нийз қашшоқ эди аввалда ўзи,
Қари катта оноси — моли, жони,
Қийинроқ бўлди, новвой ўзи танҳо,
Кунимиз ўтди андак: чойи, нони.
Мани фарзандларим тўрт бўлдию бас,
Мўминхўжам эди андак ёмони.
Бибихон — роҳати жоним, анисим,
Ғариблик, дардманлик дармони.
Ётиб қолдим, мураббим бўлди шу қиз,
Анинг бирла топиб жоним омони.
Усмонхўжам — ҳалиму қобилимдур,
Ўқутди устод Хайруллохони.
Мани дардимға қўшди минг аламлар,
Вафот эткап қизим ул Оминахони.
Шу дард бирла адо бўлдим, ёронлар,
Бу ёш боғим бўлиб тезда хазони.
На роҳат кўрдиму, на орзуни,
Ки, ман йиғлаб ғазал ёздим ниҳони.
Аёллар ишқ сўзини демоқдин,
Ғазал ёзмоқдин ўзи эрди фоний.
Саҳофға ёлбориб неча варақни,
Китоб ичига жойлаб қўйдум они,
Кимеки кўрса, ёд этса зора,
Еруғлик бўлса у дунси соний.

ЯККА БАЙТЛАР

Камтарин заъифаи мазлума,
Анбар отиндин манзума.
Ушбу ёзилгон байтлар,
Башар зийнатин айтар.
Бу китобим тамоми,
Якка байтлар итмоми.

«Якка байтлар»

Алиф

Одам эрсанг маъни бил дона-дона
Ватан эрур санга иккинчи она.
Сўзламасдин олдин сўзингни сина,
Ҳар бир сўздур умринг ичинда сина.

Б

Улғаярсан санда бор ўлса адаб,
Улғаярсан санга ёр ўлса адаб.
Одам эрсанг, ташқи сурат берма зеб,
Она юртингни ҳамиша айла зеб.

Т

Бир иш қилқи, эл ичра бўл бо ҳурмат,
Икки дунё номинг бўлур бо иззат.
Ҳаёнсиз эрса минг жафо машаққат,
Ул иш дейилмогай эл ичра меҳнат.

Ж

Харобот элда султонлар олур бож,
Адолат илкида яксон ўлур тож.
Кимки эл ғамидадур суҳансанж¹,
Анинг ҳар сўзи дунёда улуг ганж.
Қаю султон адолатга қўюр синч,
Қўл остида эли доим бўлур тинч.

Ҳ

Бутун умримда ер эрдим ғами субҳ,
Дам охирида келди бу дами субҳ.
Умидим субҳидамдин бошланур сулҳ,
Дийримга суюнуб тошланур сулҳ.

Х

Фалак кажравлиғидин шом эрур талх,
Ғаму қайғу чекишдин ком эрур талх².

Д

Башарни тарихи қонуни ажод,
Анингдин илм топғуси ҳар авлод.

¹ Суҳансанж — сўзамол, гапга чечан.

² Қўлёзмада бир байт суркалиб кетган. (ред.)

Бу йўқсул эл ҳаёти гарчи барбод.
Бўлур авлодини рўзгори обод.

Ҳаёт тарихи элда неку бад,
На тавсиф билдирур, на хатти абжад.

З

Манга халқ рўзгори бўлди устоз,
На сифат китоби, на таку тоз.
Хирад элига кўксин тутди қоғаз.
Ҳам ирфон ишқида қон ютди қоғаз.

Р

Киши ўз тақдирига ўзи маъмур,
На маъмурлар яротган рўзи маъмур.
Муродингни ҳаётиг ичра ахтар —
Ки, мавҳум илм ичинда бўлма ахтар.

Машаққатсиз ҳунардин чиқмағай дур,
Ҳаёнсиз илм дурдин кўб эрур дур.
Кимики кўбни рангин этди заъфар,
Ики дунёда бўлмайди музаффар.

Минг йил армон ҳасратда оқар Сир,
Музаффар элга сирини очар Сир.

З

Кимики маърифатни этса эъвоз,
Ани ирфон этар албатта мумтоз.
Ўзингни элга хизматкор эткиз,
Ишинг анжомига еткунча етқиш.

С

Шаҳаншоҳи номвор афзал бўлмас,
Ҳар адли ҳам зулмдин холи бўлмас.
Мани сўзимни тингланг, аюҳаннос,
Келур авлод даври ўзига хос,
Азалдин адл ила зулм эрди ножинс,
Зулмни пеша қилди, кимки ножинс.
Билингки ўзига қўймиш бино кас
Такаббурлик ўтида куйди нокас.

Ш

Дариғоким ҳамиша кўнглум ғаш,
Чароки, кўб халойиқ кўнгли ғаш.
Ҳукмрон зулм тобора қилур иш,
Ўзин жисмига кўб яро солур ниш.
Жаҳонгир қўшинларга қўйса оташ,
Анинг бошига бўлғуси балоқаш.

С

Биз адабда кўргумиз ҳусни қасас,
Хуш куним деб ўтодур аҳли асас.
Ким ўзин Намрудга айлар қиёс,
Иброҳимни қавмидин тортгай қасос.

З

Зулм бўлгон ўлкада қолмайди файз,
Тонггача кун нурини олмайди файз.
Муфти эл бошига солғай янги фарз,
Ўлмағай то бермагунча элга қарз,

Эл ғамидин ўзгароқ ўлмас бу хат,
Шунча қилсам бир йўли бўлмас ғалат.
Йўлларимда жару гў, қиру қиёт,
Шул сабаб юрганда қилгум ихтиёт.

З

Беқироат сўзламас аҳли воиз,
Ҳар нидо қилғонда тинглайман ғализ,
Танға озуқдур ҳамиша тўғри лафз,
Миллату тилга хиёнат ўғри лафз.

Айн

Адаб ирфон илми ичрадур шамъи,
Ақл оинасида чеҳрадур шамъи.
Урусдин юртимиза тушди шуоъ,
Хирадни муждасини қучди шуоъ.

Ғайн

Бу вужуд бир қўлима берди яроғ,
Бир қўлим ҳодисадин тутди чароғ.
Ажнабий хайлига йўл бермади тоғ,
Учса ҳам қўнғали тоб этмади зоғ.

Ф

Маърифат шоирини сўзи садаф,
Ҳарзагўй аҳли учун мисли хадаф.
Мадҳдин воизи минг айласа доф,
Дину вужуд орасида мингта хилоф.

Қ

Меҳнату ақлу вужуд иттифоқ,
Шайх дин бу орага солма нифоқ.

Гарчи бу аҳли вужуд бўйни синиқ,
Чиркинат таъсири йўқ кўнгли таниқ,
Шайху пир кўрсатади йўл йўриқ,
Оғзида зикри худо, кўнгли қуриқ.

К

Одам эрсанг кўнглинг эткил пок-пок,
Сандин этмасдин ўзини улки пок.

Ҳар нафас мазмун илан ўтса керак,
Гар ҳаёт мазмунини билса юрак.

Одамеда бўлса гар яхши тилак,
Халқ учун тебратгуси доим биллак.

Л

Яхши одамлар ишидин ибрат ол,
Ибратамиз хизмат айлаб, иззат ол.

Кимни илгида бор эрса ҳиммат, ол,
Ранг-рўйида кўрунғай раҳмат, ол.

Ҳар ғазалда янги мазмун айла ҳил,
То қиёмат ранги ўчмас мисли ҳил.

Фойдасиз сўзламаса қайси тил,
Она тил бўлғай ушал тил — она тил.

М

Бош эгиб тургай ҳамиша ҳарфи мим,
Уйламанг таъзимида бор деб зарб бим.

Одамилик хислатидур ҳар салом,
Ҳам баҳойим этмас одамдек калом.

Ким ҳаёт ичра босиб келди қадам,
Рўзгориши ясаб бўлсун адам.

Н

Она ер шаклидаги бу ҳарфи нун,
Кўксида равнақ топодур ҳар фунун.

Вақти келгунча такаббур осмон,
Сирни бермай тек турурмиш олумон.

Зуфунунлиқ хулласи бирлан кейин,
Элга ҳикмат сирини айғил кейин
Уз гуноҳингни сўраб элдан ўтин,
Нафрат ўти ичра бўлмасдин ўтин.

В

Одами ақлу назокатда сулув,
Бўлса ахлоқи садоқатда сулув.

Дунёни билмакка идрокинг гаров,
Зеҳн қўймоқға дили покинг гаров.

Яхши иш қилмоқ учун йўқса уқув,
Санга лозимдур ўқув бирлан уқув.

Бўқ ҳаётинг лавҳасига бўлма қув,
Гар нишон яхшилик топилса қув.

Ҳ

Бу ҳарфни ишлатурлар «алиф» ўрнига,
Манга маъқул «алиф» юрса алифда

Қачон еткурғиси ул кунни оллоҳ,
Хотунлар хуррам ўлса чекмайин оҳ.

Қачон бахт ўлғуси бизларга ҳамро-
ки, токай банд ўлурмиз ҳам чу гумроҳ.

Нечук иқбол биздин мунча сарқуҳ,
Анинг куйида ермиз шунча андуҳ.
Висол оқшоми доим дар сари куҳ,
Анга етмоқни истар.

Й

Бу ҳарфни «ё» деюрлар лафзда асли,
Ки аксар сўз охири «и» дур насли.

Агар ирфонға вусъат берса бори,
Фунуни заҳматға бергай эрди ёри.
Худо хотинни бахтин очса эрди,
К- ховар ўз нурини сочса эрди.
Бу Анбар оҳини тингла илоҳи,
Замона аҳли аҳволим гувоҳи.
Чуқур мазмунда бу сўзлар тамоми,
Келур давронга қолди итмоми.

¹ Қўлёзмада нуқталар ўрнидаги сўзлар суркалиб кетган (ред.).

РИСОЛАИ ФАЛСАФАИ СИЁҲОН

(Қаролар фалсафаси)

Бул камина ва бечора девор қўнжида
тўшакка мазбут¹ миҳлангон аҳволда ётиш
(б)илан маънос ва мажруҳ ётган йилларим
камина ва маҳзуна номимки Анбардур, ани
тўла-тўкис таъриф қилмоқ бу каминани ҳа-
қир ва фақирға ожизлик таъсирини ҳувай-
до² қилиб турур. Аммо ман камина андак
ишорат қилурманки, бу каминани номи
бежиз эмаски, бу Анбар зоҳирда³ тим қа-
ро энг ҳидли нимарса бўлиб, ботини ҳама
қароларни тимсолндурки, ул қаролар нийз
зоҳирида қаро кўринадур, лек ани ботини-
да⁴ сонсиз ва саноксиз орзулар мавжуд
эрурки, бу орзуларни ҳам шу зоҳир кўз
илан кўриб тасвир қилиб бўлмас. Ани бо-
тиндаги ўткур дийда илан тафаккур юрут-
мак лозим ўлур.

¹ М а з б у т — забт этилган.

² Х у в а й д о — белгили, ошқора.

³ З о ҳ и р — очиқ-ошқор, юзадаги.

⁴ Б о т и н и — ички, ич.

Чунончи, барча бахти қаро, фарқи қа-
ро, гарчи қаролар ул қаро зулмат ичра
зулм қайдида мадфундурларки¹, алар ҳо-
ли ва тақдирини мисоли қаро тунда, тубан
чоҳни тубида қаро тош остидаги қаро мур-
чани² кўргувчи мутафаккир донишманд
адиб аҳли нафис чоралар илан ифода этур-
лар, баён эткум:

Бисмиллоҳирраҳмонирраҳим

Ҳамди бори таборак ва таоло
дуруди бар Муҳаммади мустафо

Ибтидо эғтим аввал ба номи аҳади қадим ва самади
вожибут таъзим ва алқоби чаҳорёри киrom. Бул китобатни
бул замони ғаройиш ва пур шўри жаҳаннам осор ва пур
ғуборда камина камтарина Анбарой бинти Фармонқул
эрурман. Бул китоб қаролар шарҳидур, бу китобда Анбар
арзи воситаси илан шарҳ этилур.

Аввалғи фасл қаролар орази баёнида
Иккинчи фасл фарқи қаролар баёнида
Учинчи фасл бахти қаролар баёнида
Тўртинчи фасл қаро зулмат тасвирида

АВВАЛГИ ФАСЛ

Бу фаслда барча қаролар борасида бу ақл қосир ва но-
расо илан баён қилурман.

Аслида қаро нимарсалар қоронғуликда кўзга кўринмас,

¹ М а д ф у н — кўмилган.

² М у р ч а — майда чумоли.

аммо бу фалаки кажрафтор ўз шевалари илан замонани зулмат ичра қаро чодирга буркабдурки, бу чодир ўз қаро лиғи қирқ йилғи жилосида ичидаги барча қароларни ҳам намудор этгай. Мисол силсилаи суфиёда қаро сумиъа на муди ўз номига мувофиқ қаро чодир шаклида бўлурки анда гўшанишинлиқ қилғувчи мосуволар аксар кулба ўтру сидаги чорчўбга ўт ёқиб, қаро қумғонларни қайнатуб, чў бин косаларга кўкнори ивитиб, қаро чиркин дастрўмолла рида сиқиб ичорлар. Ул гумроҳлар тафаҳхус¹ этмасларки, дарҳақиқат қаро кулбанинг дуди нақши илан оина ҳолида яраққос қилиб ул масканларини хирароқ жилва бериб турур.

Шу мисолдин хулосаки, ҳозирги замон ўшал қаро сумиъа² намудида барпо эрурки, андаги барча қаролар қаронғуда ҳам намоендур.

Ҳар кишида ўткур идрок бўлса билурки, қаронғу тунда қаро бахт, қаро ният ва қаро фикр нечук робита бирла зулмат қучоғида ҳаракат қилур. Қаро тунда қаро бахт ҳаракат қилғони шу бўлурки, барча мазлумлар бедор ва ваҳшат бимида³ оғир заҳмат ва меҳнатга гирифтор бўлурлар. Айни шу тунда бир гуруҳ золимлар из-жоҳлари⁴ дағдағаси илан мазлум аёллар ва бечора мастуралар нафис номуслариға тажовуз этиш режаларини андишаси илан оворадурлар.

Қаро бахт золимларни зулмат зиндонида азоб чекаётган ожизлар бошидан тушмайдигон кечаларда сайр қилур. Қаро бахтға гирифтор бўлғон мазлум дунени барча айшу нишот ва маишатни фаромуш этгон бир замонда бошқа гуруҳ мубошират⁵ аҳли мазкур мазлумлар нафсини ўз

¹ Та фа ҳ х ус — текшириш, суриштириш.

² Қ а р о с у м и ъ а — ибодат қиладиган жой.

³ Б и м — қўрқув, хавф.

⁴ И з - ж о ҳ — иззат ва бойлик.

⁵ М у б о ш и р а т — бошқармоқ (мубошир — бошқарувчи, бош киши).

ифлос тамаълари учун бино бўлғон неъмат деб ғараз қилғон ғоратгарлар¹ андишасини қаро ният деб айтиладур.

Агар инсон тафаккуриға сиғдуриб, ҳабашни орази ажойиб оламни мушоҳида қилдирур. Ҳабаш аъзойи бадани қаро, фақат тишлари қатор садаф шероза монанд оқ намоендур. Лаби дўрдоқ, юзи дуд туста, сочи тўс ранг қўнғур, юзи қаролик сайқали илан ярқироқ, қўл ва оёқлари низ қароқурум, фақат оёқ ва қўл кафти оқға мойил бўлур. Идроклик инсон ҳабаш оразиде беҳад сафийлар²ни ва олам-олам маъни маълумотни мушоҳида қилур.

Ҳабаш орази манга сочларини қўнғурлиғини офтоб нури ва ҳароратида узоқ йиллар тоқат форсолиқ ила оғир меҳнат қилиб, қўнғур бўлғони, юзлари ҳам офтоб нурида пишиб қовжирағон, лаблари иссиқ ҳароратда бепоён қум саҳролар ва чангалзорларда лаб ташна ва шикам гурусна³ ҳолда меҳнат қилғони жилва бериб турар.

Аксар Жануб ва Шарқ халқлари монанди Араб, Эрон, Афғон, Сейлон, Ҳинд ва Кашмир халқлари қаро юз, оқ қўнгул халойиқ эрурлар. Ул халойиқ аслзода оқ танлар каби андом, аъзойи бадан, қўл-оёқ, тил, кўз ва ақл-ҳуши, ғайрат қувват ва тафаккурга моликдурлар. Аммо, уларға, аксар боди муҳолиф оқ тан сабук қаҳвора⁴ қонсиз қурт шаклидаги одам шакл жониворларни учуриб келтириб, ул соҳибзаминлар туфроғиға оғушта қилиб экон. Ул қуртлар туфроқ ва наботот томури орқали маҳаллийлар таниға сироят⁵ этиб, алар қонини сўриб, беҳол этиб, қилғон меҳнат самаралари ва ҳосил баракотини зойил этурлар. Агар ман ул халойиқ гавдасиға телмуриб тафаҳхус этсам, юқоридаги

¹ Ғ о р а т г а р — талончи, ҳужум қилувчи.

² С а ф и й — пок, тоза, танланган.

³ Ш и к а м г у р у с н а — қорни оч.

⁴ С а б у к қ а ҳ в о р а — сомон каби енгил.

⁵ С и р о я т — ичига ўтиш, кириш, таъсир юқиш.

тасвиримни муоина¹ кўриб, ўз фикримни барқарор қилурман.

Ул қаро халқ офтоб сўзонида меҳнат қилиб, ўзлари ҳар қанча куйганлари ҳолда, ҳосилларини ҳамтовоқларига тухфа қилурлар. Мисол андоқдурки, қазон бовужуд қародур, ўзи ўтда куюб қаро бўлғони ҳолда овқат пишуруб одамларни тўйдурур.

Қаролар бордурларки, алар ўзлари қаро бўлғонлари ҳолда маърифат нури сийратларида тўладур ва ул нурларни фасоҳат ва тил дурдоналари воситаси ила оламга оқ шуъла сочарлар. Мисол улдурки, қаро чароғ ўзи қаро ёғ ва куюндиға гирифтор бўлғони ҳолда, нури илан кулбани равшан қилур.

Хусн бобидаги энг муқаддам омилар ҳам қароликдурки, гўзал сиймони асоси қаро қош ва қаро соч ва қаро хол бўлур.

Ҳ А З А Л

Қоронғу кечани равшан қилур ҳуснинг, аё дилбар,
Ки, ҳар бир қора мавзуи сенда бордур, нур сочар яксар.
Қаро сочингни тори бир-бириға заррин тори мўйидек
Қаро қошинг бири офтоб, бири маҳ, эй пари пайкар.
Қаро кўзинг Миррихдур² бири, бири эрур Зухро,
Қаро холинг эрур ҳар бириси анжумдаги анвар³.
Сенинг бу оразинг узра қароликлар жило берса,
Димофингга берур ҳидини меҳрин ийдириб Анбар.

Эй дўст, бас билдингки, барча қароликлар хайрият,
яъни яхшилик манбаи экан. Чунончи, қаро одамларда

¹ Муоина — шахсан қараб чиқиш.

² Миррих — Марс планетаси.

³ Анвар — энг нузли, жуда равшан.

ғайрат, шижоат зиёда бўлуб, қувватларини меҳнат воситаси ила халойиқ манфаатиға сарф этурлар.

Анжом ва олотлар¹ ўзлари қаро бўлғонлари ҳолда оламға нур сочиб, равшан қилурлар ва қалбларида гизо пишуруб, инсонға едирурлар.

Қаро маъданлар, яъни кўмур ва темир, пўлод халойиқ тирикликларига бакор келур.

Қаро кимёлар, мисол анбар ва тўс² ва зайтун ва ифор ва сурма кабилар инсон зебу зийнатларига ва осойишталигига хизмат қилур.

Лозим ва сазовордурки, барча қаро воқеъликларни зўр эътибор ила кузатмоқ ва аларни ҳикмат ва тароватларидан ифода олуб, мамнун бўлмоқ.

Яқин билмоқ лозимки, баъзи аблаҳлар ўзлари сояда ўлтуруб, лоғар оқ пўстларига бино қўюб, қаро пўстларни ҳақир кўрурлар, аксар Мағриб тарафлардаги оқ танлар жануб ва машриқ халқиға ҳақир назар ташлаб, аларға жабрни лойиқ кўруб ноҳақ зулм қилурлар.

Ваҳоланки, мазкур аблаҳ, қонсизлар ҳусн ва латофат бобида қаролар жамол камолидаги ноёб неъматларға зордурлар. Улар барча давлат ва мол жоҳларини сарф этсалар ҳам, қораларнинг бир дона холини муяссар этолмаслар, ваҳолоанки ҳар бир жануб гўзалининг жамолида ҳисобсиз қаро фаттон неъматлар мавжуд эрур.

Ул аблаҳ оқлар ноилож ўзларига сохта ҳусн пайдо қилмоқ ҳаракатиға тушарлар, яъни сочларини қора ранг ила бўййдурлар ва қошларига қаро суртуб ва кўзларига сурма қўюб мужгонларини бўяб ва юзларига сохта хол қўюрлар, баъзи бирлари игнаға ип ўтқаруб, ипни қаро қилиб, юзларини игна илан тикиб, хол қилурлар. Аммо бу

¹ Олот — асбоблар, қурооллар-яроқлар.

² Тўс — қайин оғочи, қайин оғочининг пўсти.

ҳамма сохта пардозлар бекфойдадур ва ул қонсиз юзларга ва лабларга қизил сурткони илан гўзаллар лаби лаълига монанд бўлмайди, қошга қаро ва кўзга сурма қўйғони илан гўзалларни кўзу қошларига монанд бўлолмайди ва қаро бўёқ ё игна илан қилинғон хол ул маҳлиқо хушрўйлар юзига ярашгон мафтун этувчи ҳолга ҳеч ўхшамас.

Эмди фикримга шерик бўлинг ва эътироф айлангки, молу жоғ эгалари бўлғон оқлар қаронинг бирор фазилатига эга эмас.

ИККИНЧИ ФАСЛА

Бу фаслда ман фарқи қаролар тақдирини баёнга келтирурман. Аввало фарқ ибораси улдурки, аёллар бошини икки қисмга ажратиб, пешонадин, яъни бурни устидин айрулиқ йўл тушар, шу(л) йўлни фарқ дейилур, маъниси улки, ўнг тараф ва чап тарафни фарқ қилмоқ учун зарурдир. Маълум (б)ўлдикки, фарқ деб аёл бошидаги чизиқни ном олдук. Бас, фарқ аёл бошида бўлса, ул фарқ қай хилда бўлмоғини ҳам билмоқни тақозо қилур.

Аёл сочини фарқи ҳар икки тарафга баробар таралғон бўлуб, ниҳоят силлиқ бўлғонидан яроққос жилоси бўлуб, ул жилогга назар солуб, бу аёл тақдирини нелар билан ўтурини муойина тафаккур кўзи ила кўруб бўлуб. Бу фарқ эгасини ман инсон оноси ҳар нечук донишманд энагаси деб билурман, ул оно шундоғ онодур ва моҳир донодурки, Афлотун ва Арастуни, Лақуможис ва Дониёлни, Хизр ила Илёсни, Искандару Дорони, Луқмон ва Сулаймонни, Абу сино ва Улуғбекни, Жомийни, Саъдийни, Навоийни, Фирдавсийни, Бедил ва Хайёмни, Нодира ва Увайсийни, мени ва сени ўз қорнида ўн ой кўтаруб, турли офатлардин сақлаб, еган гизосидан расамат бериб, тўқсон

тўққуз тўлғоқ дардини тортуб туғуб, ҳануз кўз очишга мажолимиз ва сут эммоққа камолимиз бўлмагон мурғак ва филмак ҳолимизда кўзимизни очиб, оламни кўриш ва сут эмиш қобилиятига даввору моҳир қилубдир, кўз мужгонларини шона қилиб, ундин барча хилларни бартараф қилиб, нимжон бармоқларимизни силаб, банд-бандига йиғилғон кирларни артиб, қўлимизга бирор нарсаларни ушлатуб, ҳаракат — иш, ўйинларни ўргатди.

Ушал оно ўзи ўргатган ҳаракатлар чақалоқдин воқеъ бўлганда, камоли хушнудликдан боз болани қайноқ ва юмшоқ кўксига босуб, ҳидлаб, бўсалар қилур. Гўё боладин содир бўлғон ҳаракатлар болани ҳушёр, ботирлиғидин бўлубдур ва гўё онога бир улуг фойдалиқ меҳнат қилиб берибдур.

Ҳангомики, ё йиғласа ё эммоқ ва ухламоқ ва ҳаракатда қитмоли суст бўлса, бечора она борлиқ мажоли ва ҳаракати ила бола тилини ўқуб, андоғи лакотлик¹ важҳини билиш тадорикини излагай ва агар боласига бирор айб (осиб) ва ё дард илошгон бўлса, илож борича болани муолажа қилиш чорасини излар. Агар иложини топса, ул оғруқни бола баданидин тортуб олиш, то ҳатто агар ул оғриқ болага мусаллат ўлғон бўлса, ул ҳолда дардни тортуб олиб, ўзи тортуб, онолиқ-дардкашлиқ вазифасини адо этмоққа тайёрдур.

Бас, шундоғ меҳрибон оно ҳам мазкур фарқи қаролар жумласидандур. Бул фарқи қаролар на фақат болани туғуб тарбият этурлар, балки болани эғнига иложи қилиб яхши ва тоза ярашуқлик либос тикиб кийирмоқ ва яхши лазиз овқот едурмоқ, ўйнатмоқ ва кулдурмоқ тадорикларини қилур. Булар ҳам фарқи қаролар жумласидандурлар.

¹ Л а к о т — суслик, кучсизланиш.

ҒАЗАЛ

Муҳаббат бирла севгил, сан, ҳама фарқи қароларни,
Аёл деб ерга урма, хўрлама фарқи қароларни.
Чин гидрок ўлса санда, ул оно, сингил эрур санга,
Қилиб номусини поймол, урма фарқи қароларни.
Қаро сочиди ҳар тори тилар санга мудом оқ йўл,
Қаро ният ила ҳеч зўрлама фарқи қароларни.
Хотин-қизни маишатга яратгон деб лаимона¹
Емон нафсинг томониға бурма фарқи қароларни.
Сен ҳам одам, ул ҳам, эй аблаҳ, кофир нечук жонсан —
Ки, йиртқич бўридек ўлдурма фарқи қароларни.
Хама гулшанки бир-бир тори мўйини улоқтирди,
Ниҳоли Анбарин, бу, юлдурма фарқи қароларни.

Бу фарқи қароларни ҳусн-жамол бобида таъриф этгонда, фикр қилмоқ лозимки, бу соҳиб жамоллар, албатта, ҳар қайсимизга оно ва ҳамширадурлар ва биз шундоғ келишгон, пичимлик, хушқомат, хушрўй инсонни фарзандидурмиз.

Фарқи қароларни, қаро соч, қаро кўз, қаро хол ва лала юз, лаълдек лаб, садафдек тиш ва ҳоказолар ила тасвир этгонда, уларда ўз ҳусни жамоллариға ярошгон ақл, фаросат, ҳиммат ва ғайрат, хизмат ва меҳнатлари ҳам бордурки, ул фазилатлар ила бирга ёдламоқ лозимдур.

ҒАЗАЛ

Гўзаллик бобида етиб камола ҳуснинг, эй нозир²,
Шижоат, ақлу ҳуш бирла бўлубдурсан ажаб моҳир.

¹ Лаимона — пасткашларча (лаим — паст, хасис, нокас),
² Нозир — назорат қилувчи, қаровчи.

Сенинг ҳуснингни кўргонда бу меҳрим минг бўлур, эй моҳ,
Ҳаётим гулшанида қанча гул, райҳон муҳайёдур.
Жамолинг партавида¹ шод ўлдим тарбият сандин,
Фаросат, ғайратим эл хизматиға айладинг зоҳир.
Чунон мамнун эрурман лафзи ширин ёр ила ҳамдам,—
Ки, қилгонда такаллум, ҳар начук ғамдин қилур тоҳир.
Не хуш бахтки, эрурман шу гўзал инсон фарзанди,
Бу Анбар ҳусни ҳам ақли илан ашъориға қодир.

Аёлларни ва соҳибжамолларни аксар шоирлар жон олувчи, қатл этувчи, қаро новақларини тийри фаррон тарзида отуб, ошиқ бағрини шикоф қилур ва лолагун юзи, (лаби) лаъл монанд, юзи ошифталар дилини кабоб этар ва чиройини ёшуриб, жунун йўлиға солур ва юзини ёшуриб ва ғайрлар ила дўст бўлуб, ёриға бевафолик қилур, деюрлар. Бу мулоҳиза ва тафсилот мутлақо маъшуқалар шаъниға бўхтондур. Яқин билмоқ лозимки, аёллар эрларға кўра содда, раҳмдил ва қўрқоқ — гибрур бўлур, ваҳолонки, гўзаллар бораҳм, ҳусн латофатлариға мос меҳрушафқат ва ғайрат, ҳиммат эгасидурлар, ҳеч вақт шундоғ жамол ва камол ила бевафо ва бераҳм жафокори тийрандоз, ўт ёқувчи ҳатто бир волими ажалпеша бўлуб тасвирланиши улар шаъниға беасос тухмат эрур.

Оқил ва донишманд билурки, нечанд соҳибжамол маъшуқалар ўз ошифталариға меҳр-шафқат таковариға² сувор эрдилар, ва ошиқ тарафиға боришға ва ани кўнглини топишға, жафо эмас, вафо қилишға тайёр эрдилар. Мисол, Лайли Мажпунга баробар ошифта эрди, Ширин Фарҳодга чин муҳаббатда бағри кабоб эрди ва бошқа кўп маъшуқалар ҳам ўз ошиқлариға субҳу шом хайрихоҳ, вафодор, чин дўст, ошифта эрдилар.

¹ Партав — нур, шуъла, порлоқлик.

² Таковар — юрумол от.

Маъшуқалар вақт топуб, ошиқ назариға намоён бўлиш ва тоза либосда мулоқот қилиши, ошиқни ўз жамолидин андак баҳраманд этиши ва таскини хотир бериши учундир ва бир оз кўруниб, боз ғойиб бўлиши, шу сабабдинки, агар маъшуқа ошиқ назарида узоқ турса, бу фурсатда ағёр пайдо бўлуб, ароға иғво солуб, натижада маъшуқани вақти нохуш ва дийдор кўрсатиш имкониятидин маҳрум этар ва бу арода узоқ айрилиқ пайдо бўлуб, чин ошиқ ҳаётида қасди ваҳм ва хавф топилғой.

Бу ҳикматлардин воқиф ўлмай ва ёрлар вафодорлигинин, соҳибжамоллар ақли камолидин ва маъшуқалар шафқатидин кўз юмуб, аларни ранго-ранг тухмат нангига¹ гирифторм қилиш, аларни бевафо, бепарво, жафокор, зolim тарзида кўрсатмоқ аларни оразидаги яхши фазилатларини инкор этмоқдур.

ҒАЗАЛ

Кўзинг оч, зулмат ичра қолгон ул фарқи қаролардур,
Фироқу оҳу дардға безабон бахти қаролардур.
Тамоми фарзанд ўстурди, боқиб вояга еткурди,
Суюб бағриға босқон меҳрибон, мушфиқ онолардур.
Аларни номиға тухмат қилуб, сан кўб жафо қилма,
Онанг сингори одам аҳлиға аҳли вафолардур.
Агар сан ўз онангни ҳурмат этсанг, элни ҳурмат эт,—
Ки, борча нозанинлар эл ичида моҳлиқолардур.
Онанг, синглинг санга мушфиқ эса, сонсиз аёл ичра,
Яқин билки, томомиси чунин меҳри гиёлардур.
Дарахти босамардек, гуллаган меваси пишгондек,
Неча фарзанд оноси энг улуғ кони зиёлардур.
Бу бахтдин мамнуну шодлик ила ҳусни жило бергай,
Бу Анбардек ғазал куйлаб ўтгон соҳиб наволардур.

¹ Нанг — ор, уят, номус.

Эй биродар, сен билурсанки, барча фарқи қаролар ўз онанг ва синглинг каби фарзанд туғуб ва тарбият қилгондурлар, аларни ҳуснини, албатта, она ва сингил қаторида меҳру вафо, нуру зиё манбаи ва чин муҳаббат эгаси ва ҳеч замон ва ҳеч жонга жафо ва зулми раво кўрмагондурлар.

Бу замони пур толонда заифалар кунжи кулбада ётурлар ва ичкари ҳовлида оғир хизматлар илан гирифторм эрурларки, алар остонадин ташқари қадам кўймоқ ҳуқуқиға эга эмасдурларки, бу инсоният оламиға маълумдир.

Хукм шундоғдурки, заифалар агар ота-она ва қариндошларини кўрмоқ учун боргон вақтида эски либос кийиб, қўлиға асо ушлаб, эски паранжи ёпунуб, букчайиб, албатта, қари кампир ҳолида бўлуб кўчаға чиқиши мумкиндур. Ногаҳон кўнгли бузуқ, беҳаё эркаклар кўз олайтуруб, заифаға озор берурлар, шул сабабдин қиз-жувонлар кўчаға ясаниб чиқмоқлари манъ этилур. Ул сабабдин ўзга сабаблар ҳам мавжуддирки, ани шу мавзуьда изҳор этмоқ зарур бўлди. Маълумки, аёли ниҳоят оғир, бечоравор рўзғор кечирмоқда, бу замонда ҳол-ҳол тавонолар осудаҳол кун кўриб, ҳар хил орзу ҳавасларни ўз маврудида ўткозуб, ўғилларини ўн олти ва ўн етти ёшинда уйлук қилиб қўйишға қодирдурлар.

Аксар нотавон камбағал бечоралар уйланишға қодир эмаслар ва аҳли аёл жамарғасиға ожиз бўлурларини билиб, уйланмаслар. Шул сабабдин ҳам кўча-кўйда бўйдоқлар нафси шаҳвонаси голиблик қилуб, заифаларға назар ташлаб ва сўз қотуб, озор берурлар. Боз, бир сабаб борким, ул сабаб тавонолардин содир бўлур. Алар иззу жоҳ, молу мулк ваҳҳидин ғурур пайдо қилуб, кўб нозу неъмат емоқ ва шароб ичмоқға шуғулланиб, ўз шаҳвоний нафсларини бебош қўюб, ахлоқи писандида доирасидин чиқиб, афъоли замима¹ йўлиға кирибдурлар, алар назарида хотун ва қиз-

¹ Афъоли замима — ёмон қилиқлар, ёмон ҳаракатлар.

лар фақат комн дил олиш ва ёшлигида кайфу сафога лойиқ нимарсадек кўринур. Алар шундоғ фикр қилурларки, заифаларни эрлар учун ишрат манбаи этуб яратилгондир ва заифани кучи етконча қийнаб ўлдуриб, йўқотиб ва ёмон маразларга дучор этиб тошлаб, боз бошқа соҳибжамолни қийнамоқ, чўмолига бўлгон эътибордин ҳам камроқдур. Кўб сирлар махфий эмаски, бойлар чўриларга ва эшонлар назир қизларга қандоғ муомила қилурлар, маълумки, бойлар чўриларни никоҳсиз мол қаторида сотиб олиб, ҳар нечук номаъқулликдин қайтмаслар.

Ғ А З А Л

Аҳли дин ичра фақиру бенаволар бир тараф,
Мол-дунё тобган ул бой, муллолар бир тараф.
Дин, шариат ҳукмини тутгон ҳалол ризқи илан,
Ҳар адашгонни қилон ҳушёр асолар бир тараф.
Бебизоатларга бериб тақво йўлини ҳар мудом,
Ўзларига кенг топиб олгон фатволар бир тараф.
Меҳнат аҳли айишдин маҳрум, маънос кун кўрар,
Бир ғужум гумроҳлар ужбу¹ риёлар бир тараф.
Ҳар аёл, қиз ҳурматиани ҳасбу ҳол айлаб, ҳамиша
Ақлу виждон бобида ҳам бебаҳолар бир тараф.
Давлатига кўб бино қуйгон пардоз аҳли-ю,
Оқ дил, оқ юз, қаро кўз маҳлиқолар бир тараф.
Бу икки тоифадин ҳам четда қолгон музтариб²
Ҳусни гул Апбар каби фарқи қаролар бир тараф.

Эрлар орасида тавонолик ва нотовонлиқдин ташқори аёллар орасида ҳам фарқ, тавофут кўбдур. Чунончи, бойлар

¹ Ужб — манманлик, ғурур.

² Музтариб — изтиробда қолган.

ва ҳукмронлар авлодидин бўлгон ажубалар аслу насаб дағдағаси илан ичкарида ҳукмфармо ўлуб, ҳар қаю бахтсиз гулчеҳралар қисматиға зулму жабрни иложи борича юргузуурлар. Аксар боёнлар ва эшонлар рўзгоридида шундоғ аҳвол ҳукм сурорки, бойлар ва аслзодалар асли насаб қоидаси илан ноилож ажубаларга уйлануб боз устиға бир ёки икки соҳибжамолни олуб, уларни латофат боғидин баҳраманд бўлмоқ хоҳласалар, ичкоридоғи ҳукмрон ажубалар ҳижрон доғиға гирифтёр бўлуб ва ғазабланиб, ранг-баранг бўҳтон ва тухматлар гирдобига солуб азоб қилурлар ва ҳатто аларға жон қасди пайдо бўлур.

Ҳусну латофат, ақлу фаросат бобида тенгсиз бўлгон бу бечоралар қайинона ҳукмфармонлиғи устиға кундош ва овсун муноқишалари ниҳоят оғир тушодур.

Давлат ва ужбу риё кайфига мустағрақ¹ бўлгон эрлар мисоли баҳойим² фақат ўз нафси-шаҳвониятини қаноатлантирмоқ илан бепарво ва ул гулчеҳралар аҳволиға эътибор бермаслар. Бу аҳмоқлар гўё ўзларини фақат жинсий алоқа ва шаҳвоний нафс бандаси, деб хаёл қилурларки, бу авсоф замималари туфайлидин ҳайвонға монанддурлар. Ичкарида эру нафс талашуб зулм қилгон хон ойим ва бек ойимлар эса, ҳеч инсофдин беҳабар, аблаҳ, ваҳший ҳолиға киргондурлар.

Ғ А З А Л

Афсус, бу замон фиқу фужуру ғам замонасидур,
Бировга ишрату нозу, бировга алам замонасидур.
Ёш умри хазон, ҳоли паришонлиқ, маъюслиқ ила,
Гулчеҳра гулга эмас, хори муғилон³ ҳамхонасидур.

¹ Мустағрақ — фарқ бўлган.

² Баҳойим — тўрт оёқли ҳайвонлар.

³ Муғилон — чўлда ўсадиган тиконли ўсимлик.

Аслиға бино, наслиға бино қўйғон ойим пардоз уза,
Енида гурор сандуқчаву ойина, қўлида шонасидур.
На ҳусн, на лафзи маҳин, қўб тўмтоқ эрур ойим ўзи,
Чин ҳусн эгасига топгон бўҳтон баҳонасидур.
Гар билса ўшал аҳли насаб, Анбар кўзида мужгон ўқи,
Бадхоҳлара отгон аниқ тийри фаррон донасидур.

Маълумдурки, кўпчилик озчиликни, албатта, маҳе қилур. Кўпчилик меҳнат ва машаққат ила гирифтор бечора, бибизоатлар бўлса, озчилик бир гуруҳ тавонолар ва аҳли насаб, олиймоқом ажубалар эрурлар. Алар ўзларида йўқ фазилат ва латофатларни кўруб, ҳасад ва ҳусумат гирдобиди туриб, соҳибжамол ва латофат камоллар тарафиға туҳматларини отадурлар.

Аммо замонлари келурки, албатта, бу замонлар бир ажиб афсона бўлур ва бу замондаги ҳусумат ё туҳмат ўтидин нишон қолмас ва ҳар нечук ҳусуматчиларға омон қолмас.

Бир замони бўлурки, камина муштипар каби мазлумалар олижаноб, орзу қилгондин зиёда бўлур, тамоми мазлумалар яхши кун кўруб, яхши либос кийиб, тинч рўзғор ўтказгон сабаб, аларни авлоди хатарсиз таваллуд ўлуб, яхши парвариш топуб, хушрўй ва хушхўй, ботамиз ва ватандўст, серғайрату меҳнатдўст бўлиб, камолға етар. Ул замонда борча халқ соҳибжамол бўлур.

Шул важдинки, эл меҳнатни қадр қимматиға етуб, меҳнат аҳлини баланд рутбада кўрар, албатта, меҳнат ва эл ҳурмати одам ҳусн жилосин чиройида ложарам¹ жилос бергуси, ул замонда аёллар ҳар қанча ҳусн ва латофат ила озод юрурлар ва аларға ҳеч киши ола қўз ила ёмон

назар солмас, сабабки, ҳар эркак ўз суяр ёри ва соҳибжамол вафодори илан мамнун рўзғор кечирғай.

Ул замонда одам ахлоқи ул даражаға етурки, хуруси мижоз гала хотунлик русумини тарк этар ва ҳар эр битта хотун ила фароғатвор кун кечирғай. Ва ўшол замонда маълум ўлурки, бу фарқи қаро қиз ва аёлларни кайфиятида маълум бўлурлар ва қай даража ақл эгаси ва қай қобилият ва меҳнат қилурлар.

Ул вақт қизлар илми дунёвий таҳсилиға муяссар бўлуб, урфон тахтида қарор топиб, эллар ва улуғлар сафиға дохил бўлурлар, алар ғайрат ва меҳнатда эрларға ҳамфо ва ёвар бўлуб, обрў топиб, ҳурмат ва икромға сазовор бўлурлар.

Лайли ишқ йўлида овора ва Мажнун йўлида наззора қилуб жон берди. Келгуси Лайлилар эл хизматида обрў топуб, суйгон ёрларини мажнун қилмай, вафодор бўлурлар. Ширин мамлакат обшорлиги¹ ва ободлиги борасида кўшиш этиб, ани мунодийсиға қулоқ солгон ва бу хизматни ижро этиб, Ширин висолиға етмоқ орзусидаги чин муҳаббатлик Фарҳодга кўнгул берди. Лекин ул замон ишқ ғоратгарлари² аларни йўлиға раҳна солуб, бадхоҳлик ила Фарҳодга жабр тийрини отдилар ва Ширинни Фарҳод оқизгон ишқ анҳориға ғарқ қилдилар, мени ҳам беқарорлик ила истиқбол эткон замоним ёрим йўлида ҳалок бўлмоғим яқин кўринадур.

Замони келурки, Ширин фикридин зиёдароқ обшор ва ободлик манзаралар пайдо бўлур ва ҳар Фарҳод суйган ёридин меҳнат мукофотини олур ва висолиға муяссар бўлур. Ва ул замонда мани ҳамватан ва авлодларим мамнун кун кўруб, каминани ёдға олурлар.

¹ Л о ж а р а м — чорасиз, шубҳасиз, ноилж, албатта, шунинг учун.

¹ О б ш о р — шаршарак, шалола.

² Ғ о р а т г а р — талончи, ҳужум қилувчи

УЧИНЧИ ФАСА

Бу фаслда мен бахти қаролар борасида суҳанварлик қилурман, аслида дин пешволари бахти қаро деб ўз ақидалари илан дунёда фақат меҳнат ва машаққат бирла кун ўтқузуб, тоат ва ибодатни маромига етқузмагон ва яна лир хизматини шойиста¹ қилуб хатти иршод олмагонларни айтурлар. Бизни фикримиз ул ақидага зид ўлароқ бар акс умри меҳнат ва машаққат илан ўтуб кетгон гуруҳ айни бебахт одамлардурки, аларни бахти то рафти дунё борича барқ уруб дostonларни ёритуб борур. Билмоқ керакким, Фарҳод шаҳзодалиқдин ишқ гадоси бўлишни афзал билуб, ўз маъшуқасининг орзусини рўёбга чиқармоқ учун санги хоронни кесиб, дарё тўсуб, саҳрони обод этиш учун меҳнат ва машаққатга гирифторм бўлди.

Орзу бахтлиқ ҳаёт ва аларни орзулари халқ орзуси экони ҳар солиқ учун маҳфий эмасдур.

Ҳ А З А Л

Хаёл этма кўзум қарочугин такоби² деб,
Ёинки икки жаҳон аро ниқоби деб.
Назар тошла кўзум қаросиға бу зоҳирдин,
Кўруб ботини ичра дема саҳоби деб.
Бор эрса дийдаи бийно³ кўзунгда, эй солиқ,
Қилурға тасвир ониқим бу ҳусни ҳижоби деб.
Ҳижоб не керак асли тасаввуф этсак агар,
Бир одила йўлни тўсадур бу шайхи шоби⁴ деб.
Танур оғзини маҳкам ёпуб, жигар ёпуб,
Димоғига берди ҳидини юрак кабоби деб.
Фикр этма фалак фитнасин овозасиға,

¹ Шойиста — тақдирга сазовор.

² Такоби — чуқурлик, икки тоғ оралиғидаги пастлик жой.

³ Бийно — кўрувчи.

⁴ Шоб — ёш йигит.

Қаро чўғ ичра қизил бу ишқ дутоои деб.
Яқин билки, у ришта шаклидаги олий
Анбарнинг ўт шарорасидоғи лола тоби деб.

Бас, маълум бўлди, Фарҳод каби дoston бўлиб анинг орзуси бутун башарият орзуси бўлса, нечук ул тоифа машаққат чекконлар бахтиқаро бўлур.

Ҳақиқатни айтконда бахтиқаро ул тоифалардурки, алар меҳнатдин йироқ бўлуб, беш кун кўргон умрини роҳат бирла ўткармоқ мақсадида минг ҳийла ва тазвирда корфармо бўлуб, бегоналар меҳнати илан давлат ошируб, иззу жоҳ ҳосил қилуб, омийни нафратига гирифторм ўлуб умри адо бўлур.

Алар шоҳ бўлса, золим мулло бўлса, беамал амалдор бўлса, жафокор ном илан дунёдин ўтарлар, ҳеч кимса ул тоифани яхши ном ила ёд қилмас ва ҳеч донишмандлар ҳаёти борасида ёдгорлик дoston таҳрир айламас. Бас маълум бўлдики, дунёда баҳойимдек еб-ичиб, маишатни пеша қилуб, беному нишон ўлуб кетган одамларни бахтиқаро деса бўлур.

Аксари замона аҳли машҳур номвор устодлар ҳақида аларнинг назми ноалариға зоҳиран баҳо беруб, алар фақат ёр ишқида овора бўлуб, умр ўтказибдур дерлар, баъзиларини эса, фақат дарду бало ва ғусса ва қазо қабзида¹ гирифторм экан деб ақида қилурлар.

Ҳақиқатда лоҷарам ул газаллар ботини ҳисобсиз фалсафий дониш ва ақл гавҳарлари ила тўладур. Маҳфий эмаски, ҳар шоирда ўткир ботиндаги, яъни ҳаёт ичидаги сирларни кўрадигон кўз бўлур. Ушал ўткир кўз илан бошқалар кўрмаган сирларни мушоҳида қилуб, адаб ҳаририга буркаб, арзи маънисини нафис иборалар илан тараннум этар. Шундоғ шоирни шоир деса бўлур.

¹ Қабза — чангал, қўл ости.

Модомики, шоир шундоғ фалсафий мушоҳида эгаси экан, анинг барча фикри такрорий йўл илан таълим олишга сазовордур.

Бас, шундоғ экан, барча файласуф ва ҳама шоир ҳам ўз орзу воситаси ила омий халойиқ номидин нола қилур, ҳеч шоир бу маънидин холи эмас, фақат сўфилик робитасиға амал қилгон шоирлар аксар нола ва фиғон адосидин кейин охиратни тасвирлаб, бу дунё азобиға тоқат қилиш осон, охират азобидин нажот тилаб йиғламоқни талқин қилурлар. Алар ўзлари замона зулми ва азобини эътироф этарлар. Бу ҳақда аларни ҳурматга сазовор десак тўғри бўлур. Аммо алар шу азоб бирла ўлуб кетмоқ охиратда роҳат кўрмоқ умидида кифоят топурлар.

Ул шоирлар шу азоблик дунёни роҳатлик қилиш йўлини билмаслар ва қоронғу тун ортидин, албатта, ёруғ кун келишини билмаслар. Боз бир сабаб борким, аксар шоирлар фақат ўзларини дардлар ва гамлар гирдобида ёдлаб, халойиқни ўзларидин беҳбуд¹ деб ёзибдурлар.

Бу каби шоирлар газалиётни(ни) ўқуғон одам умрни барҳам бериб, тезроқ дунёдин кечиш фикриға дучор бўлур, аксар одамлар ундоғ мавҳумот дафтарларини дубора варақлашга тоқат қилмас. Шундоғ шоирлар ҳам ўз иқрорларига биноан қаро бахтлиқда ўтиб кетарлар.

Тарки дунёни ихтиёр этганлар, баайни тириклай ўзини қабрга тикқон каби, ўз халқидин безиб кетарлар. Аксар шу қабила одамлар илмдин ҳеч баҳраманд эмас ва қуруқ каллаға саллани ўраб юрган муллонамолардин чиқор, улар ўзлари ҳам беҳабар сўфийлик силсиласиға кируб қолиб, боши берк кўчадин чиқолмай оворадурлар.

Шу замонда одам ўзини бахтиқаро, деб нолон бўлса мумкин, аммо шул бахтиқароликдин нажот топиш қобилиятини ахтариш ва нажот йўлини қидириши лозим бўлур.

¹ Беҳбуд — яхшилик, соғлиқ (фойда нажот).

Бу нажот йўлини газот ва жаҳриёт¹ ила вуқуфга² келтирмоқ душвордур. Бу йўлни фақат ўруслар тадорик ила ва ичкаридаги пешволар ортидин қадам босуб ҳаракат қилмоқ даркор. Каминаға муолижа қилғувчи Инкина ном дўхтур ва шифо чўлидаги ноиб тўра аёли Екатерина ва қизлари Клава, Анусаларнинг махфий гаплариға биноан, ақл ва идрок тақозо қилурки, ичкари рус музофотларида улуғ раҳнамолар махфий ҳаракат қилуб, халойиққа нажот йўлларини фаҳмлатмоққа қодир эканлар. Ало ҳозалқиёс³, мазкур ўруслар ила мустаҳкам алоқа қилмоқ лозим бўлур.

Агар халойиқ сўфийлар ва шайхлар таълимини олуб, ҳаққоний издиҳом⁴ омий аҳволини мушоҳида қилишдин тортиниб, фақат ҳар балони оллоҳға ҳавола қилиб, дунёдин кўз юмиб, мосуво ўлурлар.

Бу тоифа халойиқ ҳам икки фирқаға мансубдурлар, бу фирқаларни бири бахтиқаро эрур, андин тафовутлик фирқа эрса, айни бахти неқ халойиқ эрур. Андин бахти қароси жаҳондин мосуво бўлуб, гумроҳ ўторлар. Бошқа фирқаси ўзини бахтиқаро деб фикр қилуб юрурлар, охири мақсудлариға етуб бахт топурлар. Аммо ўшал бахтини топуб неқбахт бўлгонлар ҳам икки хил бўлур: бир хили неқбахтлик кўйида машаққат тортуб, ўз орзуларини бунёдиға сазовор ўлурлар.

Боз бир хили мақсудига етолмай нолон, гирёнлик ила тобора аро йўлда нобуд бўлурлар. Бу икки хил халойиқ иккови низнеқбахт деб бўлур.

Ҳоло замонани фалак деб тасвир этсак, бу фалак маъни бобида юмалоқ бир шаклда, деб фараз қилсак, фалак ўз доираси атрофида айлангони ҳам хато йўл топуб

¹ Жаҳр — очик, ошқора.

² Вуқуф — билишлик, хабардорлик.

³ Ало ҳозалқиёс — шунга қиёсан, шунга мувофиқ.

⁴ Издиҳом и омий — омийлар гуруҳи.

айланиши таъсирида анинг нофором шамоли варзиши¹ шиддатидин парвозга келгон тошлар, албатта, аламзадаларни кўксиға урар ва ул жафокашлар бағрини пора ва ёра қилур. Аслида эрса, бу мажози золим тасвирида фалак орази ўлур.

ГАЗАЛ

Фалак сафқонлари зарбидин эмди порадура бағрим,
Бу золим тийги захмидин², кўринг, садпорадура бағрим.
Ажаб душвордура бу шаронт, эй биродарлар, —
Ки, шунча захм ила ўлмай жароҳат ёрадура бағрим.
Нечук тасвир ётай бу ҳолатимни бирма-бир эмди,
Чунончи мўри қурми қоплагон қоп-қорадура бағрим.
Агар шарҳ айласам, мўри ичинн — дуди оҳимни,
Тўсиқдин йўл тополмас, оҳ деса оворадур бағрим.
Юракда қон қотиб захми гадура³ ҳолиға айланмиш, —
Ки, қотиқ латтафора ёки бир зогорадура бағрим.
Ғадудлар босқонидин зор-зор ўлдум нажотим йўқ,
Мисоли бир гиёҳдура, тахти сўнгхорадура бағрим.
Жаҳонда кўб эрура Анбар каби бағри кабоб ўлгон,
Ҳама бағри яролар шаклиға ишорадура бағрим.

Бу ғазалим мазмунидин маълумдураки, бу замон авоминнос наздида зулми золимдин ва золимни икки гужум қурт ёки ваҳшийлар иҳотасида бўлгонлигини не учун айтиб бўлмоғонидин фалак номвар⁴ бўлур.

Бас, қадрдон китобхонға бу каминани фикри аён ўлди ва қаролар фалсафаси ном қўйгон китоб мазмуни мазмум кўринур они зоҳиридур, ботини эрса оқ нур, рўшнолик, ила мунаввардура ва мазмум маънисни лойиқ суханвардура.

¹ В а р з и ш — одат, машқ, кўникма.

² З а х м — яра, жароҳат.

³ Ғ а д у д — қотишма, металл.

⁴ Н о м в а р — машҳур.

Қаролар фалсафаси ботинида мужассам бўлгон маонийлар китоб аввалида қаролар оразини баён қилдум, анда барча қаро нимарсалар ҳам оқлар сингари қисм ва жисмға ва фазилатға ноилликлари, юзиға рўкаш бўлгон сиёҳи ҳеч нарса қувватини ва фазилатини нобуд этолмаслигини баён этдум. Андин сўнг фарқи қаролар тақдири муоинасида тамом заифлар, фарқи қаро моҳрулар ва шу фарқи қароларни оналик мартабасини баён этдум.

Охирида бахти қаролар ҳақида шарҳ айладим, эмди муҳтарам қадрдонларим, қаро зулмат борасинда баён эткумки, бу фасл иборалари ўтгон фасллардин оғир иборада таҳрир топган. Бу фаслни мутолаасиға бажаҳду-жад қўшиш қилуб, маъниға оид фикр юрутмоқ тамомдура.

ТУРТИНЧИ ФАСЛ

Бу фаслда қаро зулмат ҳақида сўз юрутгумдир. Ақлға ишорадураки, ҳеч зулмат оқ бўлмас, албатта, бу зулмат сўзи қаронғулиқни ошиғич сифати бўлуб, бу сўз ифодаға келгон ҳамон тинглағувчи назарида ёрушмоғи душвор ўлгон қаронғу манзара кўринғой. Андоқ манзарани кўргувчи ани тасвир этишға қобилият пайдо қилгон ва ани кўрмоқ қувватиға молик эрура, зулмат тасаввурига ожиз ва ани кўрмоқ қобилиятидин ношуд киши зулмат деб қаронғу кечани билур ва ул кеча сўнгидин яқин соат ва муайян вақтда ёруғ кун келишини, албатта билур.

Зулматни қаро тундин тафовути ўбдон билдирмоқ лозим бўлур, зулматни зоҳиран қаронғу кеча рангида кўрсатмоқ мумкин. Аммо тафовути улки, кечани сўнгидин, одатда кеча ёз фаслида олти-етти соат, қиш бўлса, ўн-ўн икки соат вақт ўтуб, ёруғ кун келиши мумкин. Аммо зулмат сўнгидин ҳуррият келишини тасаввур и ҳам осон, лекин муайян вақт таъйинлаш душвор эрура. Зулмат ҳам

ранго-ранг бўлур, яъни хиллари: зулмати ноғиҳоний ва зулмати муваққат бўлур.

Зулмати муваққат жаҳонга муслат ўлуб, бот фурсатда бартараф бўлур. Чунончи: кечани ўтдук, кундузи қаттиқ шамол туруб, чанг-тўзон ўлуб, қаро будут ҳавони қоплаб, бир неча соат қоронғу зулмат бўлур. Бу зулмат ҳам бот фурсатда ўтуб, ёруғлик келур ва ё кучли ёмғур ёғуб, қаронғулиқ бўлса, уни ҳам зулматга тасаввур қилурлар.

Зулм ғалаба қилуб, бир мамлакатни босиб турса, бу зулмни офтоб ва тонг равшанлиғи бартараф этолмас, бундоғ зулматни адолат кучи енгар. Адолат кучига чидаёлмагон зулмат аксар мажозий ҳоким ва золимлар тарафидин жорий қилинур. Баъзи ҳукамолар адолатни подшоҳларга вобаста қилурлар ва баъзи подшоҳни одил подшоҳ деб таъриф қилурлар, ваҳоланки, одил подшоҳ бўлмас.

Агар подшоҳ одил бўлмағи мумкин эрса, ушбу ўрус подшоҳ одил бўлур эрди. Мулки Фарғонага адли жорий қилур эди ва мулозимлариға райият аҳволини неку қилиш маҳаллий эски амалдорларға тинч берурни фармойиш қилур эрди. Мулки Фарғона ва бошқа вилоятлар қипчоқ, мўғул, афғон ва бошқа дайдиларни қўпорғон жангу тўзон зулмати остида хонавайрон, дийдагирён эдилар ва улар ўрус келғониға нақадар шодмон бўлдилар.

Агар, у одил шоҳ бўлса, шундоғ фуқаро қадриға, албатта, етар эрди ва адолат жорий этиб, зулмни кўторур эрди.

Маълумдурки, подшоҳ бўлғон шахс одил бўлмас ва адли уҳдасидин чиқмас. Бу муаммони бир маҳфий сири бўлурки, уни баён айламоқ мавқуфдир. Золим табақани маҳфий сири ул эрурки, золим аввало ўз шахвоний нафси бандиға гирифтор бўлуб, зулмға тоқати фармо бўлур, яъни нафси шахвоний золимға ақл футурини ҳам вобаста қилур.

Золим ақл зойиллиғидин беҳабар ўзини ложарам ақл ва доно хисоблаб, ҳар иш андишасиға келса, ўшал ишни

ниҳоят маъқул ва мақбул ва халойиқ учун вожиб билур ва ул режасини жорий айлар, бовужуди тоқат фармодур ижросиға фармон берур. Ушал фармон қилғон машаққати эл бошиға зулмдурки, ул зулм соясини зулмат дейилур.

Эй солиқ, ҳоло ҳам қаноатбахш бўлмасанг билгилки, дин ва охират илмини таҳсил этдирмоқ учун мадраса солдируб, анинг савоби бадалиға жаннат талаб қилғувчи подшоҳ ё мулозим мазкур мадраса бунёдға келгунча ўзи соядин чиқмай, фуқарони қамчи ва қилич зарби илан ишлатиб, молдор ва бадавлатлар ҳадясидин нон ва ош бериб, мадрасани бино қилдируб.

Бас, бу мадраса икки юз ҳужралик бўлиб, тахминан саккиз юз минг ғишт қўюлиб ҳамда анда пишурулиб, аробалаб тошуб, юзлаб меъморлар иш қилуб, ганж, тош, ранг, эшик, дераза ва бошқалар учун сарф бўлғон маблағ ва меҳнат барчаси халойиқ гарданиға бўлур. Аммо жаннат талаб шоҳ ва амир ўз маблағидин бир сўм харожот қилмас. Хулоса, умрида фуқаро гарданиға миниб айш сурган золим, худонинг мукофотини олмоқ ва жаннатда роҳат кўрмоқ борасида ҳам, бечора фуқаро меҳнатидин комрон ўлур.

Бас, маълум бўлдики, ҳар иш ҳукмрон тарафидин фуқароға жабран қилдирилғон бўлса, худойи ҳам бўлса, зулмдур ва бу зулм соясини зулмат дейилур ва зулмат ҳудуди залолатдур. Лозим эрур фурсат келгонда, бир воқеа борасида сўзламоқ, чунончи, тожикда бир нақл борки, «бўза хор-хор, гиру гирд карди чўбон чарҳ занад».

Николай подшо ўз маишату ила мадхуш ва сархуш ўлуб, ҳаддин ташқари туғёнға учраб, мамлакатда янги тартиблар ўрнатуш тараддудида ҳар вилоятдин вакил таклиф этиб, аларға янги тартибларни жорий қилмоқ борасидағи фармойишларни берибдур. Шу жумладин ушбу Хўқанд музофотидин, албатта, раҳбар табақадин эмас, Хўқанд бойлар бойи — Солижон бойвачча оқ подшоҳ

хузурига вакил бўлуб бориб, подшоҳ фармойишларини олиб бозгашт келибдур ва лозим эконки, алоҳида даҳаларда ваъз этиб, оқ подшоҳ берган муждаларни фуқарога айтиб берса.

Сармазор даҳа фуқароси учун Шайхулислом гузардаги Мирзо Маҳмуд мингбоши маҳкамаларида халқга бойбачча ваъз этиб берган бор-йўқ сўзи оқ подшоҳ айтдики, мени отимни хутбага қўшуб ўқулсун, боз айтдики, хотунлар паранжи ташлосун,— деди вассалом,— дебдур. Шу жойдаги ому хосдин сазо чиқмабдур, фақат устоз Зоҳидхўжа халқга: «Биродарлар, оқ подшони ҳар икков фармони ҳам зулмат нишони, ман мулло эмасман, муллолар оғзида нос бор, хутбага худову расул ва Чориёр қатори подшоҳ номини қўшмоқ, бу айни шоҳга сажда қилмоқ бўлур, биз подшоҳга сажда қилмаймиз. Иккинчи сўз: биродарлар, хотунларни паранжи ташласун демак учун ёзма қонун ва амри маъруф керак бўлур. Во ало, бу замонда бир аёлни очуқ юрмоқлиғига фармон берган эр тирик қолмас, шу сабаблар ила бойбачча топиб келган гаплар иккови ҳам зулмат нишонаси», деб хомуш бўлубдурлар. Устозимни борча сўзлари издиҳомга маъқул бўлуб, бир бора маъқул гап, рост гап, деб ғалаён кўтариб, мутафарриқа бўлубдурлар.

Дарҳақиқат, шу замонда ислом уламолари зинҳор йўл бермасларки, аёллар паранжи ташлаб, номаҳрамларга кўруниб юрсалар, бовужуди фараз қилки, фармони шоҳ бўлдики, мусулмон аёллар паранжини ёпунмасун деб, ул вақт уламолар фатво берурлар, хотунларни умрбод уйдин чиқормаслиққа, яъни умрбод зиндонга ташламоққа, бас бу масаладин ҳам маълум бўлдики, бу ишдин ҳам зулм бўйи келур. Подшоҳ буюрган ҳар фармон зулмдин холи эмас.

Агар ўрус шоҳи дарҳақиқат одил бўлса, ва анинг хоҳиши қарам халқлар ҳам ўрус мисоли озод бўлсун ва бор-

ча халойиқ ўрус бирла баробар бўлиб, рўзгор кечирсун деса, аморат ва ҳукмронлиқ қонуларини адл бирла таҳрир қилсун, ҳукмронлиқ қонунини дин қондаларидин мустасно вужудга келтирсун, дин аҳлини ибодат борасида ҳомий билиб, давлат ва билимдонлиқни халқ рўзгоридин кашф этсун. Халойиқ додиға, розиға қулоқ берсун.

Бас, шундоғ қилмасдин ўз айш-ишрати илан муқайяд мадхуш оқсаройидин бош чиқормай, мамлакат ишини бир гужум газанда — пазандаларга ҳавола қилубдур, сўрса, алғараз бу шоҳ нез халойиқ фикр қилгон райият ҳолини неку қилгучи одил эмас, туғёнға ботгон шоҳ экан, йўқса шоҳға ва анинг мулозимлариға ишонмак мор қорнидаги чумчуқ болани тирик демакдин ўзга эмас. Давлат ишини дини исломдин йироқ тутинг ва фуқароға тақя қилмак ила йўл тутмагон ҳукмрон бод фурсатда ҳалокатға дучор бўлмоғи муқаррардур. Ваҳоланки, бу замона ҳукмронлариға фақат дин аҳли ҳомий эмас, балки боз Мосувойи нақшбандий ва яссовий силсилаларини шайх ва сўфийлари ҳам луқма солуб, халқ бошиға оғирроқ, зулм солишға фатво берсалар, боз бечора халқни золим зулмиға рози бўлуб, тоқат қилмоққа, фақат оллоҳ демоқға насихат қилурлар, чунончи яссавийлар айтур:

Золим агар зулм айласа оллоҳ дегил,
Бош ёргунча калтакласа воллоҳ дегил.

«Оллоҳ дегил» маъносида «худога тавба қил, гуноҳингни кечсун», «Воллоҳ дегил» эрса, «бош ёргон кишини изҳор этмаслиққа қасам ичгил»,— деган маънидадур.

Бу нақшбандийлар боз бошқа лафз бирла зулмға тоқат қилмоқни тарғиб қилурлар. Чунончи:

Майли душман оғу солса ошингға,
Дод этибон тошлар отма бошингға.

Ғайри ҳақиқий донишманд шу сўфий — жоҳиллар халқни дунё лаззатидан ончунон кечириб, мосуво қилиб, дунё роҳатини бир гуруҳ давлатмандларга хос деб ранжбар халқни умрини гуноҳидирсан (деб) ва дўзаҳдин кўрқутиб, егоничгонини заҳар ва заққум қилурлар. Боз қўрқунчини ошуруб, бу заҳар солгонлар ҳақида додлагонлар, бошлариға тош бирла урилур дейдурлар. Алғараз ҳар икки сўфийлик силсиласи ҳам халққа энг хавфлик душман экани маълумдир. «Ўрус келди!» овозани англаб, барча маърифат аҳли ўйладики, подшоҳ, албатта, динга пешво ва тарафдор бўлур, дин ишини ривож берур, аммо дин қондасидин зиёда урф-одат, хурофот ва сўфилик доғлариға барҳам берур, халқни тарбия қилур, деб ақида қилдилар. Аммо, ўрус подшоҳ мусулмонларға заррачайинки ҳаловат бермади, сарт хирошға рус хирош қўлида бепармо ҳукмронлик ила ўз кабобини пишируб айшу нишот бирладур.

ҒАЗАЛ

Токай бу чаман гулларидек, пажмурда бўлур?

Токай навдалари лоғару ҳам афсурда бўлур.

Шом орти, кеча орти, саҳар орти сабо,

Тонг отса чаман ғунчалари зинда бўлур.

Ховар чиқибон, тортуб олур чодир танобин,

Бу лаъли наҳор ханда қилур, фархунда бўлур.

Сайд этма, дилим ўлмасун, эй сўфийи жоҳил,

Токай бу кўзинг молим пайида поянда бўлур.

Қўрқутма, сен, эй, қон сўрувчи, бир кана янглиғ,

Охир кафанинг, гумроҳ қаландар, жанда бўлур.

Ваъз этма элим кўзини боғлаб, эй шайхи замон,

Рухинг охири танг йўлда қолиб ганда бўлур.

Зулмат охири нобуд ўлур кишваримизда,

Зулм дуди ҳам Анбар учун банда бўлур.

Сан эй солик, бир оз огоҳ бўлдингки, зулмни ижод қиғувчи золимдур, ваҳоланки, аларни ичида ҳақ деб бўл-

мас, дарҳол бирдан бу лафз киноядур, зулмни золим юрутса, зулм жараёнини зулмат дерлар. Зулматни қисматға таносил қилиб, кўб ва изофа бирла тасвирлағонда зулумот демак мумкиндур. Зулмни қаро тасвирламоқ табиий ҳолдурки, зулмат демак ҳожат тушмас.

Вақтики илм даража қилуб, фалсафа равнақ топса, бу чигилларим кушода бўлур. Фалсафа ибораси ила қарши ва зид сўзларини муқойиса қилғонда бу чигиллар очилур.

Қаро маънисини билдирғучи иборалар аксарлари таносил ва мутаносиб ваҳидин ҳам қаршилиқ ва ҳам зидлик тасвиротини одам назариға бехос намоён қилур. Агар боз соддароқ ифода қилмоқ лойиқ бўлса, айтурманки, қаро тун қоронғулик, қоронғу уш иборалари назаримизга фақат бир қаро нарса эмас, аммо бир қаро маконни келтирур, қаро тун, қаро қозон, қаро рўмолдек десак, бир маълум ҳажмдағи зарурият тушадурғон кичик нарса кўринур, аммо зулмат ва зулумот ва қоронғулик сўзлари ифода этилса, назаримизга ер юзидин осмонғача қаро тутун тўлғон ҳолат кўруниб ва ҳажм ва ҳудудини тасаввур қилмоқ душвор ишдур. Зулмат ва зулумот демак ила кўзумиз бир қоронғу оламини, мушоҳида қилса, дилимиз ундин кенгроқ, яъни сайёра калимасида ер ва кўкда зулм ҳукм суриб тургонини фикр қилур.

Шул ҳолатда ақл ҳам бегараз ва бетараф турулмас. Ақл ҳама вужудимиздин пухтароқ ва донишмандона фикр қилур, ақл ўтган, ҳозирги ва келгуси замонларни, яъни бу зулмат ё зулумотлик қаю тарафдин ва не сабабдин келди ва қанча ҳукм сурмоғи мумкин ва нечук тадбири тадориклар ила бу зулматни зойил этиб, унинг шаръидин наҳот топмоқ мумкин ўлур. Алоҳозал-қиёс бу борада ақлни ёрдами зўрдур. Агар одамлар ақлларини вазири билиб, ўз вазирларини ўзга вазирлар ила ҳамкор қилиб, машварат ила ҳаракат қилсалар, ақл вазирлар дунёни босуб ётган қаро зулматни ҳатто зулумотни ҳам баргараф этиб, ҳа-

вони соф ва оламини равшан қилишга муяссар ўлурлар. Эмди халос қилмоқ ила бир савол пайдо бўлур. Яъни золимларга ҳомий бўлгон маҳаллий мулозимлардин қўрқуб, жоҳил шайхлар ва сўфийлар қилгон ваъз насихатга қулоқ солуб дунёдаги зулмларга тоқат қилиб, ҳарна жафо етса, фарёд қилмай, ҳатто дунёдин, аҳлу аёлдин бешиб, аҳлу аёллар нафақасиндин қўрқув, Мосуво, яъни ҳайвонвор ўтуб кетмоқ зарурми?

Жавоб шулки, албатта, ақлу идрок ва жамоатга така қилиб, барча шайх ва сўфийлардин йироқ ва барча тарсу ваҳмдин эмин бўлиб, золимларга қарши мубориза қилмоқ, яккаликдин ҳазар қилмоқ, шу тадбирлар ила зулмини нобуд этиб, зулматни бартараф қилмоқ зарурдур.

Қаролар фалсафаси ном китобимни биткардим. Бу катмина заиф, маъюб ва мажруҳни ақли шу қадарга кифоя қилди, бундин ташқари баёнот боз «Мушоира» ном рисолада маълум бўлур. Иншооллоҳ раббиял оламин вал оқиба тул муттақин, ассалоту вассалому, ало расулиҳи ва олиҳи асҳобиҳи ажмаъин, бираҳматика ё арҳамар роҳимин.

*Тарихи таҳрир 1328 ҳижриси
Қирқ уч саҳифа гайраз муқаддима.*



МУНДАРИЖА

Шоира Анбар отин	3
Дебоча	13
Ғазаллар	15
Мухаммаслар	58
Мустаҳзол	68
Қитъа	69
Таржиман ҳол : : : :	70
Якка байтлар	72
Рисолаи фалсафани сиёҳон. (Қаролар фалсафаси)	80